

Одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакил  
ва координатор бюроси

# Одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик қоидасини имплементация қилишга қаратилган сиёсат ва қонунчиликка оид тавсиялар

Одам савдосига қарши курашиш уюшмасининг эксперт мувофиқлаштириш  
жамоаси билан маслаҳатлашилган ҳолда

ISBN: 978-92-9234-438-2

ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва координатори бюроси томонидан чоп этилган

Wallnerstr. 6, 1010 Vienna, Austria  
Tel: + 43 1 51436 6664  
Fax: + 43 1 51436 6299  
email: info-cthb@osce.org

© 2013 OSCE/ Office of the Special Representative and Co-ordinator for Combating Trafficking in Human Beings

Муаллифлик ҳуқуқи: “Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Нашрнинг мазмунини ҳарқандайтарзда кўпайтириш ва тарқатишга ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили ва координатори бюроси манба сифатида тан олинishi шарти билан таълим ва бошқа нотижорат мақсадларида ишлатилиши учун изн берилди”

**Ушбу қўлланма ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори кўмагида ўзбек тилига таржима қилинди.**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) 57 нафар аъзо Давлатлари Ванкувердан бошлаб Владивостоккача бўлган жуғрофий ҳудудда жойлашган бутун Европа ҳавфсизлик ташкилотидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг VIII бўлимига биноан минтақавий ташкилот сифатида тан олинган ЕХХТ ушбу ҳудудда можаролар ҳақида эрта хабар бериш, уларнинг олдини олиш, инқирозларни назорат қилиш ва можародан сўнг тикланишнинг асосий воситасидир. Унинг хавфсизликка бўлган ёндашуви ҳам ялпи қамрови, ҳам ҳамкорликка асосланганлиги билан ноёбдир: хавфсизликнинг уч ўлчами – инсоний, сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий/экологик аспекти билан иш қўриши жиҳатдан ялпи қамровлидир. Шунинг учун у хавфсизликка доир кенг доирадаги муаммоларни, жумладан инсон ҳуқуқларини, куруланишни назорат қилиш, ишонч ва хавфсизликни ўрнатишга доир тадбирлар, миллий озчиликлар, демократлаш, тартибни сақлаш стратегиялари, террорчиликка қарши ва иқтисодий ҳамда экологик фаолиятни кўриб чиқади.

**АЪЗО ДАВЛАТЛАР:** Австрия | Албания | Америка Қўшма Штатлари | Андорра | Арманистон | Беларус | Бельгия | Бирлашган Қироллик | Болгария | Босния ва Герцоговина | Ватикан | Венгрия | Германия | Юнонистон | Гуржистон | Дания | Ирландия | Италия | Исландия | Канада | Кипр | Латвия | Литва | Лихтенштейн | Люксембург | собиқ Югослав Македония Республикаси | Малта | Молдова | Монако | Монголия | Нидерландия | Норвегия | Озарбайжон | Польша | Португалия | Россия Федерацияси | Руминия | СанМарино | Сербия | Словакия | Финляндия | Франция | Хорватия | Черногория | Чех Республикаси | Эстония | Қирғизстон | Қозоғистон | Ўзбекистон  
**ОСИЁДАГИ ҲАМКОР ДАВЛАТЛАР:** Австралия | Афғонистон | Корея Республикаси | Таиланд | Япония |  
**ЎРТАЕРДАГИ ҲАМКОР ДАВЛАТЛАР:** Жазоир | Иордания | Исроил | Марокаш | Миср | Тунис

Ушбу нашдаги материаллар умумий ахборот учун мўлжалланган, холос, улар “шундайлигича” берилган бўлиб, ҳеч қандай кафолат, жумладан муайян бир мақсадда қўлланилиши назарда тутилмайди. ЕХХТ ушбу нашдаги ахборотнинг аниқлиги ёки тўлиқлиги тўғрисида кафолат бермаслигини таъкидлайди. Қуйида ифода этилган фикр, натижа, талқин ва хулосалар муаллифларники бўлиб ЕХХТ ва/ёки аъзо Давлатларнинг позициясини ифода этиши шарт эмас. Қонун ҳужжатлари имкон берган доирада ЕХХТ ушбу нашдаги ахборотдан келиб чиққан ёки у билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай юзага келган зарар, зиён, жавобгарлик ёки харажат учун жавобгарликни бўйнига олмайди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакил  
ва координатор бюроси

## Одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик қонунчилигини имплементация қилишга қаратилган сиёсат ва қонунчиликка оид тавсиялар

Одам савдосига қарши курашиш уюшмасининг эксперт мувофиқлаштириш  
жамоаси билан маслаҳатлашган ҳолда



Yevropada xavfsizlik  
va hamkorlik tashkiloti



# МУНДАРИЖА

Сўзбоши	5
Миннатдорчилик	6
1. Кириш	7
2. Жазоламаслик қондасини киритиш сабаби	8
3. Халқаро ҳуқуқда жазоламаслик тамойили	9
3.1 Юмшоқ ҳуқуқ ҳужжатлари	11
4. Жазоламаслик тамойили: инсон ҳуқуқлари ёндашувининг муҳим унсури	13
5. Аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш: жазоламаслик тамойилини қўллашнинг шартлари	13
6. Тамойилнинг кўлами	15
6.1 Тамойилнинг болалар савдоси ҳолатларидаги кўлами	17
6.2 Одам савдоси билан боғлиқ қонунбузарликлар	20
7. Замонавий амалиёт ва қийинчиликлар	21
8. Жазоламаслик мажбуриятининг самарали татбиқ қилиш бўйича қўлланма	24
9. Хулоса	28
10. Жазоламаслик бўйича қонун чиқарувчиларга ва прокурорларга тавсиялар	28




# СЎЗБОШИ

Мен 2010 йилда ўз лавозимимни эгаллаганимдан буён, одам савдоси (ОС) жабрланувчиларни ҳимоя қилишдаги бўшлиқларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича аниқ чораларни таклиф қилишустун вазибаларимдан бири бўлиб келди. Ҳозирги пайтдаги далиллар ОС қурбонлари, одатда, (бошқа чоралар қаторида маъмурий ҳибсга олиш ва жарима солишорқали) жазоланишини ва сотилишлари билан бевосита боғлиқ бўлган иммиграция ҳуқуқбузарликлар, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ва ғиёҳванд моддалар тарқатиш каби жиноятлар учун бутун ЕХХТ минтақасида жиноий жавобгарликка тортилишларини кўрсатиб турибди. Ҳозирги кундаги ҳолат жабрланувчиларнинг инсон ҳуқуқларини яққол бузилишини кўрсатади ва, очиғини айтганда, жибсга олиш адолатсизликдир. ОС жабрланувчилари жамиятнинг энг заиф табақаларидан келиб чиқиши яхши маълум; қурбонлар ижтимоий ҳимоясиз бўлган ҳолда кўпинча камситилдилар, ижтимоий-иқтисодий яққолаб қўйишга дучор бўладилар, ва ижтимоий ҳимоясиз эксплуатация қилинадилар. Айтиш мумкин инсонларни эксплуатация қилиниш давомида содир этилган жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши уларнинг қийноқларини яна-да кўпайтиради ва, аксарият ҳолатларда, уларнинг шахсий ҳаётининг ва оқибатига таъдир солади, ҳамда келажақдаги реабилитация ва жамиятга қўшилиши имкониятини ниҳоятда камайтиради. Жабрланувчиларнинг инсон ҳуқуқларини ва шаънини тўла ҳимоя қилиш одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳаракатларнинг дастлабки асоси бўлиши керак. Жазоламаслик тамойили 2000 йилдан буён ЕХХТ мажбуриятларида расман тасдиқланган ва ЕХХТнинг Европа кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш бўйича конвенциясига аъзо бўлган аъзо Давлатлари ва/ёки ЕИ аъзолари учун бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий мажбуриятга айланган.

Мавзунинг муҳимлиги боис, шунинг билан бирга муаммоли ва кўпгина ҳамкасбларимиз учун янги бўлгани сабабли, мен ушбу қўлланмани Махсус вакилнинг тавсиялари шаклида чиқаришдек мислсиз қадамни кўйдим. Гарчи ушбу қўлланма мен ниҳоятда маннатдор бўлган *Одам савдосига қарши уюшма* ҳамкорлари ҳамда шу соҳанинг амалиётчи экспертлари билан маслаҳатлашиш натижаларини акс эттирса-да, ундаги нуқтаи назар учун бутун жавобгарликни ўз бўйнимга оламан. Мен буни фақатгина Махсус вакил сифатида эмас, балки Рим жиноий ишлар бўйича судининг судьяси сифатида собиқ вазиламни ҳисобга олган ҳолда қиламан. Ўзим судья бўлганим учун, хусусан мафияга қарши ва уюшган жиноятчилик бўйича ишларда тажрибаорттирган жиноий суд судьяси сифа-

тида, судьялар кундалик ишида исбот-далиллар ва процессуал қоидалар, жабрланувчилар ҳамда судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва умуман адолат манфаати ўртасида мувозанатга эришиши кераклигини жуда ҳам яхши биламан. Айтганда шунинг ҳисобга олган ҳолда, мен жазоламаслик тамойили бўйича муайян қонунчилик ва сиёсат борасида кўрсатмаларсиз уни амалиётда татбиқ этиш ва қурбонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниҳоятда қийин, деган хулосага келдим. Шу пайтгача ҳамкорларимиз ва сиёсатни белгиловчи шахслар билан бўлган муҳокамаларимиз жуда муҳим жараённинг бошланишидагина эканлигимизни кўрсатяпти. Мазкур қўлланмада сиз амалиётдаги ишлар тўпламини топасиз, ва улар, маълумотимизга кўра, ЕХХТ минтақасидаги салмоқли ҳолатнинг кичик бир бўлагини ташкил этади. Ушбу ишлар қурбонлар мунтазам равишда нима учун ва қандай жазоланишларини яққол намоён этадилар. Баъзи ҳолларда судлар жабрланувчиларни жиноий жавобгарликдан озод этмаган бўлсалар-да, биз бу ишлар ҳақида билишимизнинг ўзи мазкур Давлатлар ОСга қарши курашишда олға силжиётганлигини билдиради. Аммо қилинажак ишлар жуда кўп. Мен парламент аъзоларини, сиёсат учун масъул шахсларни, ва энг аввало, судьяларни ушбу тавсияларни ўқишга ва қандай қилиб жазоламаслик тамойили самарали татбиқ этилиши мумкинлигига баҳо беришга ундайман. Ушбу муҳим иш жараёнидаги кейинги қадам жазоламаслик тамойилини ОСга оид барча ўқув ва хабардорликни ошириш бўйича тадбирларга киритиш йўллари аниқлаш, ҳамда жабрланувчиларни, шу жумладан ҳибсда ушлаш жойларида, аниқлаш стратегиясини мустаҳкамлаш учун миллий ҳокимиятлар ва фуқаролик жамият ташкилотлари билан ишлаб, жабрдийдаларни жазолашга чек қўйишга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат бўлади. Сиз хоҳ судья, хоҳ ҳукумат мансабдор шахси, хоҳ фуқаролик жамияти вакили, хоҳ жонкуяр фуқаро бўлинг, мен бу масалада сизнинг кўмагингизга ва иштирокингизга умид қиламан.



Мария Грация Жиаммаринаро  
*ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича махсус вакили ва координатори*

# МИННАТДОРЧИЛИК

Ушбу қўлланма Аберистуит университети ҳуқуқшунослик профессори, Европа комиссиясининг одам савдоси масалалари бўйича экспертлар гуруҳи ва ГРЕТА аъзоси Ричард Пиотрович, Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича экспертлар гуруҳи, ва одам савдоси бўйича эксперт Лилиана Соррентино томонидан тузилган. Ифода этилган фикрлар Европа Комиссиясининг экспертлар гуруҳи ва ГРЕТАнинг фикрини акс эттириши шарт эмас. Ундан ташқари, қўлланмага Лондондаги 1-Памп суд палатаси адвокати Пароша Чандран ва Бельгия тенг имкониятлар ва ирқчиликка қарши курашиш марказидан Патрисия Ле Кок, ва ЕХҲТ-МВО/ОСҚК ўз ҳиссаларини қўшдилар. Клейр Жессел якуний лойиҳанинг таҳрири ва қўлланманинг саҳифаланиши устида ишлади.

МВ Одам савдосига қарши уюшмадаги ҳамкорлар билан учта маслаҳатлашиш мажлиси ташкил этди. МВ қўлланмани ва тавсияларни кўриб чиқиб унга ўз билимлари ва тажрибалари билан ҳисса қўшган Уюшманинг эксперт мувофиқлаштирувчи гуруҳидан миннатдордир. Уюшманинг қуйидаги ташкилотлари/ҳамкорлари ушбу қўлланмани ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшдилар: Европа кенгашининг Халқаро қўлчиликка қарши ташкилоти, ЕСПАТ Интернейшнл, Миграция қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро марказ, Қизил хоч ва қизил ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Ла страда интернейшнл, Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси, БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссари, ЮНИСЕФ, ЮНОДК. Ундан ташқари, қўлланма ҳуқуқшунос амалиётчиларнинг ва бошқа одам савдоси жабрланувчилари билан ишлашда бевосита тажрибага эга экспертлар ҳиссаси билан бойитилди. Ушбу нашрнинг мазмуни ўз ҳиссасини қўшган ташкилотларнинг қарашлари ва қоидаларни акс эттириши шарт эмас ва бирон бир тасдиқлашни назарда тутмайди.

## **Мария Грация Жиаммаринаро**

ЕХҲТнинг Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича махсус вакили ва координатори





OSCE/alberto Andreani

## 1. КИРИШ

[1] Одам савдоси замонавий қулликнинг катта миқёсдаги ҳодисаси бўлиб, у миллионлаб кишиларни озодликдан ва танлов ҳуқуқидан маҳрум қилинишига, мажбурлаш ва таҳқирлаш орқали жинсий ёки меҳнат эксплуатациясидан тортиб жиноятчиликка мажбурлаш ва инсон органларини олишгача ёки эксплуатацияни бирон-бир бошқа сердаромад тури бўлган бошқа мақсадларда эксплуатация қилинишига олиб келади.<sup>1</sup> Камдан-кам шахслар оғир жиноят жабрланувчилари сифатида ёрдам оладилар ва ҳимоянадилар; кўпинча улар ҳибсга олинадилар ва фоҳишаликка воситачилик ёки ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланганлари, ёлғон кўрсатма берганлари учун, иммиграция билан боғлиқ қонунбузарликлар учун жавобгарликка тортиладилар ёки уларга маъмурий қонун-қоидаларни бузганликлари учун жарима солинади. Бундан ташқари, дунё бўйича одам савдосининг борган сари тарқалиши, жабрланувчиларни ўғрилиқ, чўнтаккесарлик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, наша етиштириш ва фирибгарлик каби, лекин шулар билан чекланмаган, бир қатор қонун-бузарликларни содир этишга мажбур қилади. Кўпинча, одам савдогарлари жабрланувчиларни жиноят содир этиш вазиятига тушуриш ва уларни қўлларида қўғирчоқ ва жиноий фаолияти учун эксплуатация қилиш стратегиясини атайин қўллайдилар. Шунинг учун жабрланувчиларнинг сотилганликлари билан бевосита боғлиқ, ёки ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган жиноий ҳуқуқбузарликларни ёки бошқа қоидабузарликларни содир этишлари одатий ҳолдир. Бундай ҳолатлардаулар ҳокимият органларининг назарига кўпинча жиноятчи сифатида тушадилар ва аслида жиддий жиноят жабрланувчилари сифатида осонликча тан олинмайдилар. Шу сабабли, Давлатлар жабрланувчиларни тўғри аниқлаш имконини яратиш ва одам савдоси жиноятини самарали тергов қилиш, ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муваффақиятли ҳимоя қилиш, шу жумладан жабрланувчиларни одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларидан келиб чиқувчи ёки унга бевосита алоқадор бўлган жиноятлари учун жазоламаслик учун бундай ҳоллардан тўлиқ хабардор бўлишлари шарт.

[2] Жабрланувчиларни жазоламаслик тамойили бир қанча халқаро ҳужжатларда, шу жумладан ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан мажбурий кучга эга ҳужжатларда тасдиқланган. ЕХХТ минтақасида, аъзо Давлатлар одам савдосига қарши курашиш чораларида инсон

ҳуқуқларига асосланган ва жабрланувчилар манфаатига қаратилган ёндашувини тасдиқлаш мажбуриятини олганлар. Ушбу ёндашув одам савдоси жабрланувчиларининг шаънини ва инсон ҳуқуқларини ҳамма вақт ҳурмат қилади.<sup>2</sup> Бундай инсон ҳуқуқларига таянган ёндашув ҳукуматларни ва парламентларни қонунчилик ва сиёсат одам савдоси қурбони бўлган шахсларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш мақсадида ўзларини миллий юрисдикцияларида ташаббусни ўз қўлларига олишга чақиради.<sup>3</sup> Одам савдоси жабрланувчиларини улар сотилганлиги натижасида ёки давомида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жазоламаслик бундай инсон ҳуқуқлари ёндашувининг энг муҳим унсуридир.<sup>4</sup> Иштирокчи Давлатларни ушбу мажбуриятларни тадбиқ этишда қўллаб-қувватлашни кўзлаб, ЕХХТнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакил ва координатори (кейинги ҳолларда МВ) Одам савдосига қарши курашиш иттифоқи билан яқин маслаҳатлашган ҳолда Давлатларга одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик мажбуриятини тадбиқ этишга кўмаклашиш учун сиёсат бўйича қўлланма яратишда иштирок этти.

[3] Мазкур қўлланмада халқаро ҳуқуқда жазоламаслик тамойили кўриб чиқилади, унинг қўлланилиш қўлами ўрганилади ва амалда татбиқ этилишидаги қийинчиликлар муҳокама қилинади. Унда бу масалаларни атрофлича ўрганиб келаётган миллий идоралар, ННТлар ва ҳуқуқшунослар, хусусан Тенг имкониятлар ва ирқчиликка қарши курашиш Бельгия маркази, Одам савдоси масалалари бўйича Голландия миллий вакили бюроси, ҳамда Буюк Британия судлари ва ҳуқуқшунослари томонидан тақдим этилган бир қанча амалий мисоллар ва суд ишлари кўрилади. Қўлланма амалий кўрсатмалар ва одам савдоси жабрланувчиларига нисбатан жазоламаслик қондасини самарали татбиқ этилиши йўлидаги сиёсат ва қонунчиликка оид тавсиялар ифодаси билан яқунланади.

<sup>1</sup> ILO, Global Estimate of Forced Labour (Geneva, 2012): 2012 йилда ХМТ 20,9 миллион киши дунёда меҳнатга зўрлаш қўрбонлари эди, деб чамалади. Бу чамалашга одам савдосининг барча соҳалари кирди.

<sup>2</sup> OSCE Ministerial Council, Declaration of Trafficking in Human Beings, MC(10). JOUR/2 (Porto, 7 December 2002), Annex 2, Section II, para.6.

<sup>3</sup> OSCE Permanent Council, Decision No. 557/Rev/1 OSCE Action Plan to Combat Trafficking Human Beings, PC.DEC/557/Rev/1 (Vienna, 7 July 2005), Chapter IV, para. 5.2.

<sup>4</sup> OSCE Ministerial Council, Decision No.1 Enhancing OSCE's Efforts to Combat Trafficking in Human Beings, MC(8).DEC/1 (Vienna, 28 November 2000), para.9; OSCE Ministerial Council, Ministerial Declaration on Combatting All Forms of Human Trafficking, MC.DOC/1/11/Corr.1 (Vilnius, 7 December 2011).

## 2. Жазоламаслик қонунчилигини киритиш сабаби

[4] Одам савдоси жабрланувчиларини савдо қилинганликлари билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятлари учун жазолаш ҳоҳияти уларнинг кадр-қимматини поймол этишдир. У воқеликни ва адолатни жиддий инкор қилишдир. Бундай жазолаш жабрланувчиларни одам савдогарлари содир этган жиноятлар учун айбдор қилади, ваҳоланки, жабрланувчилар бундай ҳолатга тушмаганларида, ўша жиноятларни содир этмаган бўлардилар. Одам савдоси жабрланувчиларига жиноятчи мақомини бериш уларни Давлат томонидан таъқиб қилиниши билан тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда нафақат жабрланувчиларга нисбатан одам савдогарлари томонидан содир этилган ва тергов қилиниши шарт бўлган жиддий жиноятлар ҳисобга олинмайди, балки савдо қилинган шахслар ўша жиддий жиноятларнинг жабрланувчилари ва гувоҳлари сифатида тан олинмайди ва уларга Давлат томонидан юкланган адолатсиз жазо тайинлаш орқали уларнинг жабрланувчи ҳолатлари ва ёки шикастлари оғирлаштирилади. Уларга жабрланувчилар сифатида қараш ўрнига жиноятчилар сифатида қаралади. Бундай амалиёт ҳақиқий қонунбузарларга рўпара келмаслик, жабрланувчиларни одам савдогарларига қарши кўрсатма бериш фикридан қайтариш ва одам савдогарларига Давлат жазосига йўлиқтириш таҳдиди орқали жабрланувчилар устидан янада кўпроқ назорат ўрнатишга имкон туғдириши туфайли одам савдосини янада кўпайтиради. Одам савдосига кўл урганлар жабрланувчилар жазоланишининг тарафдори бўладилар, чунки бу уларнинг манфаатига хизмат қилади, яъни уларнинг қурбонлари жинсий жазога тортилиб ҳақиқий қонунбузарлар жазосизликдан баҳраманд бўладилар ва ўз фаолиятини давом эттирадилар.

[5] Одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик қонунчилигининг сабаби шундан иборатки, бир қарашда, жабрланувчи Давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини бузиш ёки ўғрилиқ каби жиноят содир этган бўлиши мумкин, лекин аслида одам савдосига дучор бўлган шахслар мустақил равишда ҳаракат қилмайдилар. Уларнинг устидан ўрнатилган назорат даражаси туфайли ўз ихтиёрлари мутлақо йўқ ёки чекланган. Бинобарин, улар содир этган қонунбузарликлар учун жавобгар эмаслар ва улар учун жавобгарликка тортилишлари керак эмас. Худди шу қоида жабрланувчи савдогарлардан қочиб, содир этган жиноятлар уларнинг одам савдосига дучор бўлган ҳолатларининг бевосита оқибати бўлганида ҳам қўлланилади.

[6] Жазоламаслик тамойили нафақат Давлатлар томонидан халқаро миқёсда яққол эътироф этилган ва Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи қабул қилган чоралардан<sup>5</sup>, балки умуман инсон ҳуқуқлари ҳуқуқини қўллаш орқали ўз асосини топади.

<sup>5</sup> Council of Europe, Convention on Action against Trafficking in Human Beings, CETS No. 197 (Warsaw, 2005), Article 26; European Union, Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims. Бу ҳужжат Кенгашнинг Framework Decision 2002/629/JHA (5 April 2011) 8-моддасининг ўрнини босади.

### Жабрланувчиларнинг шахсни тасдиқловчи қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиши эксплуатация ҳолати юз берганини тасдиқловчи омил, деб тан олинмоқда

Жинсий эксплуатация мақсадида сотилган одамлар кўпинча савдогарлар томонидан полиция назорати пайтда ишлатиш учун шахсни тасдиқловчи қалбаки-ҳужжат ёки сохта паспортлар сотиб олишга мажбур қилинадилар. Гент апелляция суди бир қарорида одам савдосига учраган киши иммиграция идорасига сохта шахсий гувоҳнома ва фуқароликни кўрсатишга мажбур қилинган ҳолатни кўриб чиққан ва суд бунга шахсни эксплуатацияга учраганини тасдиқловчи факт деб қараган.

Манба: Center for Equal Opportunities and Opposition to Racism, Trafficking in and smuggling of human beings (Belgium) relating to judgment from the Court of Appeal of Gent (Belgium), 31 May 2007. Judgment is available in Dutch at: <[http://www.diversite.be/diversiteit/files/File//Rechtspraak\\_jurisdiction/mensenhandel\\_TEH/2007/h07-05-31\\_a\\_Gent.pdf](http://www.diversite.be/diversiteit/files/File//Rechtspraak_jurisdiction/mensenhandel_TEH/2007/h07-05-31_a_Gent.pdf)>, 2013 йил 10 апрел куни кўрилди, шунингдек француз тилидаги рефератни: [http://www.diversite.be/?action=rechtspraak\\_detail&id=496&select\\_page=68](http://www.diversite.be/?action=rechtspraak_detail&id=496&select_page=68) да

[7] Барча ҳуқуқий тизимларда жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар жавобгарликка тортиладилар. Аммо назарда тутилаётган шахс ўзиниҳимоя қилишга мажбур бўлган, мажбурланган ёки имконияти бўлмаган бўлса, маъсулият ва жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

[8] Сотилган шахслар одатда, сотилганликларини истисно қилганда (уларнинг ҳуқуқий лаёқатини чекловчи ёш ёки пасайган ақлий лаёқат каби баъзи омиллар бўлмаган тақдирда) ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўлган ҳуқуқий лаёқатли шахс ҳисобланадилар. Бироқ, уларнинг одам савдосига алоқадор бўлган жиноятлари учун жавобгарлиги уларнинг ҳаракат эркинлиги одам савдогарлари ёки одам савдоси натижасида чекланилиши туфайли камайтиради. Яъни, улар одам савдосига дучор бўлган пайтда ёки унинг оқибатида жиноят содир этишга мажбурланишади.

[9] Сотилган шахсларнинг заиф ҳолати Давлат бундай шахсни одам савдоси жабрланувчиси сифатида тан олмаслиги туфайли оғирлашади ва, оқибатда, жабрланувчилар одам савдосига дучор бўлган шахс сифатида хавфсизлик ва ёрдам олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва бунинг ўрнига оддий жинсий гумон қилинувчи, деб ҳисобланади. Давлатнинг одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун малакали ва маълумотли мансабдор шахсларни тайинлаш мажбурияти мавжуд.<sup>6</sup> Жабрланувчиларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, чунки улар аниқлан-

<sup>6</sup> Ёрдам ва ҳимоя чоралари билан танишиш учун қаранг: United Nations, Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons, Especially Women and Children, Supplementing the United Nations Convention against Transnational Organized Crime (15 November 2000), UN Doc. A/45/49 (Vol. 1), Articles 6-8 of the Protocol and Articles 24-25 of the Convention; Council of Europe, Op.Cit., Article 10-17; European Union, Op.Cit., Articles 11-17; OSCE ODIHR, OSCE Human Dimension Commitments, Vol.1 Thematic Compilation, 3rd edition (Warsaw, 2011), section 6.2.3; Шунингдек қаранг: European Court of Human Rights, Case of Rantsev v. Cyprus and Russia, Application no. 25965/04 (Strasbourg, 7 January 2010), Давлатларнинг Инсон ҳуқуқлари буйича Европа конвенциясининг 4-моддаси асосида давлатларнинг одам савдоси қурбонларини аниқлаш ва уларга ёрдам бериш ва савдони тергов қилиш ижобий масъулиятига келганда <http://www.unhcr.org/refworld/docid/4b4f0b5a3.html>, 2013 йил 31 январь куни кўрилди.

маса, зарур ёрдамдан маҳрум бўладилар ва гумон қилинувчи қонунбузарлар, деб ҳисобланадилар. Бинобарин, Давлатлар одам савдоси жабрланувчилари тезкор тан олиниб барча эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари таъминланиши учун уларни тўғри аниқлаш механизмлари ва қоидаларини қабул қилинишини таъминлашлари лозим. Шундай ҳуқуқлардан бири одам савдоси жабрланувчилари одам савдосидан келиб чиққан ёки у билан бевосита боғлиқ қонунбузарликлар учун жазоламасликлари кераклигидир.

### 3. Халқаро ҳуқуқда жазоламаслик тамойили

[10] Давлатлар жабрланувчилар одам савдо қилиниши пайтида ёки унинг оқибатида содир этган жиноятлари учун жазоланмаслигини таъминлашлари шарт. Одам савдосига оид асосий кўптомлама ҳужжат бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш, қарши курашиш ва жазолаш протоколдир (кейинги ҳолларда Палермо Протоколи).<sup>7</sup> Ушбу ҳужжатжабрланувчиларни жазоламасликни аниқ ифода этмайди. Шунга қарамай, Протоколнинг 2(b) моддасига кўра, унинг мақсадларидан бири “*одам савдоси жабрланувчиларига, уларнинг инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилган ҳолда ҳимоя ва ёрдам кўрсатишдир*”. Вазифаси “(БМТ ТУЖҚК аъзолари) Конференциясига унинг Одам савдоси бўйича Протоколга оид ваколатларини амалга оширишда маслаҳат ва ёрдам беришдан иборат Одам савдоси бўйича ишчи гуруҳи 2009 йилда бу масалада қуйидагиларни тавсия этган:

*“Сотилган шахслар жазоланмаслиги ва таъқиб қилинмаслигини таъминлашга келганда аъзо Давлатлар: (а) одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилашлари; (б) ўз миллий қонунчилик доирасида сотилган шахсларни уларнинг сотилганлик шароитининг бевосита оқибати сифатида амалга оширилган ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун ёки шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбурланган ҳолларда жазо ва таъқибдан озод қилиш имкониятини кўриб чиқишлари шарт.”<sup>8</sup>*

2010 йилда Ишчи гуруҳ ушбу тавсияни қайта тасдиқлади ва аъзо Давлатлардан қўшимча равишда қуйидагиларни таъминлашларини талаб қилди:

*“Аъзо Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларини жазо ва таъқибдан озод қилиш тўғрисида миллий қонунчиликда, йўриқномаларда, ҳуқуқий меъёрларда, преамбулаларда ёки бошқа ҳужжатларда баён этилган қоидалар аниқ таърифга эга бўлишини таъминлашлари керак. Бунда аъзо Давлатларга ЮНОДКнинг*

<sup>7</sup> United Nations, Op.Cit., [http://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtsdg\\_no=XVIII-12-a&chapter=18&land=en](http://treaties.un.org/Pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtsdg_no=XVIII-12-a&chapter=18&land=en), 2013 йил 10 апрель кунни кўрилди.

<sup>8</sup> United Nations, Report on the meeting of the Working Group on Trafficking in Persons held in Vienna on 14 and 15 April 2009, CTOC/COP/WG.4/2009/2 (21 April 2009), [http://www.unodc.org/documents/treaties/organized\\_crime/Final\\_report\\_English\\_TIP.pdf](http://www.unodc.org/documents/treaties/organized_crime/Final_report_English_TIP.pdf), 2013 йил 10 апрель кунни кўрилди.

*Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги Наъмунавий қонун, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси томонидан тайёрланган инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги тавсия қилинган тамойиллар ва амалий қоидалар каби тамойиллар ва йўриқномалар, шунингдек ҳар қандай бошқа минтақавий стандартлар ва кўрсатмалар каби техникавий ёрдам воситаларидан фойдаланишлари тавсия қилинади [...]*<sup>9</sup>

Бундан ташқари, Котибият томонидан тайёрланган 2010 йилги Ишчи гуруҳнинг умумий маълумот ҳужжатида бу масалада шундай дейилади:

*“Одам савдоси жабрланувчиларини қалбаки паспортга эга бўлиши ёки тегишли рухсатномасиз ишлаши сингарии одам савдоси билан боғлиқ жиноятлари учун, улар ҳатто қалбаки ҳужжатлар олишга ёки рухсатномасиз ишга киришга розилик берган бўлсалар ҳам, Давлатлар уларни жиноий жавобгарликка тортмаслиги одам савдоси жабрланувчиларини ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг асосий унсурларидан бири бўлиши керак. Шунингдек, Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларини сотилганлик пайтида эҳтимол содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортмаслиги ёки жазоламаслиги керак, деб ҳисобланади.”<sup>10</sup>*

[11] Палермо протоколи қабул қилингандан бери жазоламаслик мажбурияти бир қатор ҳужжатларда эътироф этилди. Европа Кенгашининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясининг 26-моддасида:

*“Ҳар бир Тараф ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, қурбонларни ноқонуний фаолиятга алоқадорликлари учун, агар бундай алоқадорлик мажбурлаш оқибати бўлса, жазодан озод қилиш имкониятини кўзда тутаяди,” - дейилган.<sup>11</sup>*

[12] МВ жазоламаслик қоида, айниқса мажбурлашга нисбатан, одам савдоси таърифидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиниши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Мажбурлашнинг ҳар тарафлама тушунчаси одам савдосининг барча воситаларини қамраб олади: таҳдид/куч ишлатиш, мажбурлашнинг бошқа турлари, олиб қочиш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятнинг ёки заифлик ҳолатини суистемол қилиш. Шунинг учун жиноят содир этишга “мажбур” бўлиш одам савдоси жабрланувчилари эркин ирода билан йўл тутиш имкониятини йўқотадиган барча вазиятларни - нафақат жисмоний зўравонлик ёки руҳий таҳқирлаш таҳдиди остида, балки савдогарлар жабрланувчиларнинг заифлик ҳолатидан фойдаланиш орқали эксплуатация қиладиган ваҳимали даражада кенг тарқалган ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади.

<sup>9</sup> United Nations, Report on the meeting of the Working Group on Trafficking in Persons held in Vienna from 27 to 29 January 2010, CTOC/COP/WG.4/2010/6 (17 February 2010), [http://www.unodc.org/documents/treaties/organized\\_crime/2010\\_CTOC\\_COP\\_WG4CTOC\\_COP\\_WG4\\_2010\\_4\\_E.pdf](http://www.unodc.org/documents/treaties/organized_crime/2010_CTOC_COP_WG4CTOC_COP_WG4_2010_4_E.pdf), 2013 йил 10 апрель кунни кўрилди.

<sup>10</sup> United Nations Working Group on Trafficking in Persons, Non-punishment and non-prosecution of victims of trafficking in persons: administrative and judicial approaches to offences committed in the process of such trafficking, CTOC/COP/WG.4/2010/4 (9 December 2009), para.10, <[http://www.unodc.org/documents/treaties/organized\\_crime/2010\\_CTOC\\_COP\\_WG4CTOC\\_COP\\_WG4\\_2010\\_4\\_E.pdf](http://www.unodc.org/documents/treaties/organized_crime/2010_CTOC_COP_WG4CTOC_COP_WG4_2010_4_E.pdf), 2013 йил 10 апрель кунни кўрилди>

<sup>11</sup> Council of Europe, Convention on Action against Trafficking in Human Beings, CETS No. 197 (Warsaw, 2005), <http://conventions.coe.int/Treaty/en/Treaties/Html/197.htm>, 2013 йил 10 апрель кунни кўрилди.



[13] Европа Кенгаши Конвенциясининг 26-моддаси Давлатларга жазоламаслик имкониятини яратиш бўйича аниқ мажбурият юклайди. Бу Давлатларга маълум даражада ўз ихтиёрларига кўра ҳаракат қилиш имкониятини яратгандек туюлиши мумкин, чунки унда Давлатларга жазо тайинламаслиги керак, деган талаб қўйилмайди. Конвенция билан бирга қабул қилинган Тушунтириш ҳисоботининг 274 бандида бу талқин қилиниб, қуйидагилар таъкидланади:

*“Ҳар бир Тараф ҳуқуқий талаблар бажарилган тақдирда жабрланувчиларни жазоламасликка имкон берувчи аҳамиятли жиноий ёки процессуал қоидалар қабул қилиш орқали, ёки ҳар қандай бошқа чора ёрдамида 26-моддада белгиланган мажбуриятга риоя қилиши мумкин...”<sup>12</sup>*

[14] МВ Давлатлар жабрланувчилар одам савдосига дучор бўлган ҳолатлари оқибатида ёки уларга бево-сита боғлиқ бўлган пайтларда жиноят содир этган бўлсалар жазодан озод этилишини таъминлашга маж-бурдирлар, деб ҳисоблайди. Давлатлар жазоламаслик талабини ўзларининг миллий ҳуқуқий тизимларига асосан татбиқ этиш юзасидангина маълум даражада ихтиёрга эгадирлар. Бундан ташқари, МВ жазоламас-лик қондаси одам савдоси жабрланувчиларини нафа-қат жазо тайинлашдан, балки жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоқда ушлашдан озод этиш мажбу-риятини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.

### Одам савдоси жабрланувчиси сохта паспортдан фойдаланишга мажбур қилинди

Нигериялик жувон Бельгияда фоҳишалиқда эксплуатация қилинган эди. Одам савдогари уни яшаш рухсатномасини олиш учун сохта паспортдан фойдаланишга мажбурлаган. Брюссель жиноий ишлар бўйича суди уни жабрланувчи сифатда тан олган бўлишидан қатъи назар, у кейинроқ сохта паспортдан фойдалангани учун аввалги суд қароридан хабари бўлмаган Антверпендаги бошқа жиноий суди томонидан сиртдан судланган ва ҳукм қилинган. Апелляция давомида жабрланувчи ва кейинчалик прокурор оқловчи жиҳат борлигини таъкидлашган, яъни жабрланувчи ўз иродаси билан ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва савдогар уни сохта паспортдан фойдаланишга мажбур қилган. Судья уни жавобгар деб топмади, чунки у ҳуқуқ-бузарлик содир этишга зўравонлик йўли орқали мажбур қилинган.

Манба: Антверпен жиноий судининг ишлари ҳақида маълумот берувчи Тенг имкониятлар ва ирқчилик қарши курашиш бўйича маркази (Бельгия), 2006 йил 26 апрель ва 2008 йил 2 апрель.

<sup>12</sup> Council of Europe Committee of Ministers, *Explanatory Report to the Council of Europe Convention on action against trafficking in human beings*, CM(2005)32 Addendum 2 final (3 May 2005), <http://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?id=8288773&Site=CM>, 2013 йил 10 апрель кунини кўриди.

[15] ГРЕТА, Европа Кенгаши одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясининг мониторинг идораси, 26-моддани шундай аниқ талқин этди:

*“Европа Кенгаши конвенциясининг 26-моддаси Тушунтириш ҳисоботи билан бирга ўқилганда Тарафларга айнан одам савдоси жабрланувчиларини жавобгарликка тортилмаслигига оид чоралар қабул қилиш мажбуриятни юклайди. Тушунтириш ҳисоботида бундай қонунчилик чоралар “аҳамиятли жиноий ёки процессуал қоидалар ёки ҳар хил бошқа чора” бўлиши мумкин дейилади. Тарафлар миллий идоралари ушбу чораларни қай даражада қўллаши бўйича эркинликка эгадирлар, ammo айни одам савдоси жабрланувчиларига тааллуқли қонунчилик қабул қилиниши шарт. Одам савдоси жабрланувчиларни жиноий жавобгарликка тортиш нафақат Давлатнинг жабрланувчиларга хизмат ва ёрдам кўрсатиш мажбуриятига зид, балки у жабрланувчиларни очиқ-ойдин гапириб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилишдан қайтаради, ва натижада Давлатнинг одам савдосида жавобгар бўлганларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш мажбуриятини бажаришга тўсиқ бўлади.”<sup>13</sup>*

[16] Жазоламаслик бўйича ҳимоя самарали бўлиши учун Давлатлар одам савдосига алоқадор жиноятлар учун савдо қурбонларига нисбатан ноқонуний жазо тайинланишига қарши қонунчилик қабул қилишлари керак, деган хулоса келиб чиқади. Жазоламаслик тамойили одам савдоси жабрланувчилари учун юридик ҳуқуқ яратади. Шундай экан, бу тамойил миллий қонун ҳужжатлари билан муҳофазаланиши керак.

[17] 2011 йилда Европа Иттифоқининг одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ҳақидаги фармони қабул қилиниб, жазоламаслик мажбуриятини тан олишга интилиш кучайди (Directive 2011/36/EU).<sup>14</sup> Фармондаги ёндашув Европа Кенгашининг конвенциясидагидан бир мунча кенгроқ туюлади. Фармонда жиноий жавобгарликка тортмаслик мажбурияти аниқ белгиланган. Унинг 8-моддасига кўра:

*“Аъзо Давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ ваколатли миллий идоралар одам савдоси жабрланувчиларини уларни 2-моддада кўзда тутилган ҳаракатлар [яъни, одам савдосига тегишли жиноятлар]нинг ҳар қайсисига мубтало бўлганларининг бево-сита оқибатида мажбурликдан жиноий фаолиятда иштирок этганликлари учун жавобгарликка тортмаслик ёки уларга жазо тайинламаслик ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун чоралар кўрадилар.”*

[18] Ундан ташқари Фармоннинг баён қисмида жазоламаслик шартининг кўлами ва мақсадига аниқлик киритилади:

<sup>13</sup> Council of Europe, Committee of the Parties Council of Europe Convention on Action against Trafficking in Human Beings, *Meeting Report of the 7th meeting of the Committee of the Parties* (Strasbourg, 30 January 2011), THB-CP(2012)RAP7 (Strasbourg, 9 February 2012), Appendix II, para.7.

<sup>14</sup> European Union, *Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA (5 April 2011): All EU Member States except Denmark are bound by it.*

“Одам савдоси жабрланувчилари тегишли Аъзо Давлатларнинг миллий қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, одам савдосига мубтало бўлишнинг бевосита оқибатида содир этишга мажбур бўлган, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, ёки фоҳишалик ёки иммиграция қонунчилиги оид қонунбузарликлар каби жиноий фаолият учун таъқибдан ёки жазоланишдан ҳимояланиши керак. Бундай ҳимоянинг мақсади одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг аҳволларини янада оғирлашувига йўл қўймаслик ва уларни жиноятчиларга қарши жиноий судлов жараёнда гувоҳлик беришга чақиришидир.”<sup>15</sup>

[19] Жазоламаслик тамойили халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида қабул қилинган ҳужжатларида эътироф этилган. Яна бир бор, назарда тутилаётган шахсларнинг хатти-ҳаракат эркинлиги чекланганлиги туфайли маълум даражада вазият тақозоси билан мажбур бўлганлиги ва шу сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилиниши кераклиги бунгаасос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, БМТнинг қочоқлар мақоми бўйича конвенциясининг 31.1-моддасида, тарафлар:

“Ўз мамлакатларига ҳаёти ёки эркилигига [айрим таърифланган] ҳавф-хатар таҳдиди мавжуд бўлган ҳудуддан бевосита келган қочоқларга, агар бундай қочоқлар зудлик билан маъмуриятга ўзлари учрашиб, ноқонуний келганлари ёки шу ҳудудда яшаб турганлари ҳақида қониқарли асос тақдим этган бўлсалар, ноқонуний равишда киргани ёки ноқонуний равишда яшаши учун жазо тайинламайдилар.”<sup>16</sup> деб таъкидланади.

### 3.1 Эзгу ҳуқуқ воситалари

[20] Одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш тамойили таҳминан охириги ўн йиллик мобайнида қабул қилинган бир қанча эзгу ҳуқуқ ҳужжатларида эътироф этилган. Ушбу ҳужжатларда одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқлари одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳаракатларнинг марказида бўлиши кераклиги таъкидланади.

[21] БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича тавсия қилинган тамойиллар ва амалий қоидаларнинг<sup>17</sup> 7-Тамойилида қуйидаги таъкидланади:

<sup>15</sup> European Union, Op.Cit., para.14.

<sup>16</sup> United Nations, Convention relating to the Status of Refugees, 189 UNTS 150 (Geneva, 28 July 1951). Бундан ташқари, 31-моддага биноан “жазо” чораларини қўлламаслик мажбурияти давлатлардан шахсларга жиноий жавобгарликка тортилишдан ҳимоя бериш мажбурияти, деб кенг тан олинади. Бирлашган Қиролликдаги Юқори Суднинг R иши Adimi v Uxbridge Magistrates Court & Anor [1999] EWHC Admin 765 (29 July 1999) (аризаси билан), БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссарининг 31-модда маъноси тўғрисидаги обрўли фикри ҳужжатнинг 29-хатбошида келтирилган: “Ушбу Келишавтган Давлатлар зиммасига ички жиноят қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини қочоқ ва бошлана истаётганларга қўлламаслик мажбуриятини юклайди. Лозим бўлган ҳолларда улар ички жиноят қонун ҳужжатларига ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги дастуруламалар /амалиётга шундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари керакки, 31-модда қоидадан фойдаланиш ҳуқуқига эга ҳеч бир шахс ҳукм қилиниш ҳаётига рўбарў бўлмаслиги кафолатлансин”, <http://www.bailii.org/ew/cases/EWHC/Admin/1999/765.html>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>17</sup> UN Office of the High Commissioner for Human Rights, *Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking*, E/2002/68/Add.1 (2002), <http://www.unhcr.org/refworld/docid/3f1fc69f4.html>, 2013 йил 31 январь куни кўрилди.

“Сотилган шахслар транзит ёки манзил мамлакатига ноқонуний кирганликлари ёки истиқомат қилаётганлари учун, ёхуд улар ноқонуний фаолиятга алоқадор бўлиб қолганликлари учун, агар бундай алоқадорлик уларнинг сотилганлик вазиятининг бевосита оқибати бўлса, ҳибсга олинмасликлари, айбланмасликлари ёки жиноий жавобгарликка тортилмасликлари керак.”

Ушбу тамойил ҳар хил ҳолларда, тамойилга қандай куч берилиши кераклигига равшанлик киритиш мақсадида кетма-кет қабул қилинган кўрсатмаларда тўрт мартаба тақрор этилган.<sup>18</sup> Катталар ҳолатида<sup>19</sup> ноқонуний хатти-ҳаракатлар сотилишнинг “бевосита оқибати” бўлиши лозим деган тушунчадашу таъкидланадики, сотилган кишининг барча хатти-ҳаракати ҳам истисно қилинавермайди: бу киши ўз хатти-ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатларини қабул қилиши лозим, деган умумий қоидадан истисно; ноқонунийлигича қолаверадиган ноқонуний хатти-ҳаракат шахснинг сотилаётгани ёки сотилганлиги натижасида амалга оширилган бўлиши керак.

#### Сотилган ишчи қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиши

Автомобил ювиш соҳасидаги кўп тармоқли корхонада Бельгия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимимеҳнат эксплуатацияси учун савдо қилиш ҳолатини аниқлади. Ишчилар қалбаки шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва сохта меҳнат шартномаларига эга эдилар. Улар ниҳоятда мазлум шароитда яшашган ва ишлашган ҳамда иш берувчиларга буткул тобе бўлишган. Бир нечта ишчи одам савдоси жабрланувчилари сифатида аниқланган ва бинобарин сохта ҳужжатларга эга бўлганлари учун жавобгарликка тортилмаганлар. Бироқ, тергов давомида аниқ бўлишича, ишчилардан бири паспорт олиш мақсадида элчихона ходимига пора беришга кўл урган. Ушбу ишчи жабрланувчи сифатида тан олинмаган. Ундан ташқари, айти шу ишда, одам савдосига дучор бўлган бошқа бир ишчининг яшашига рухсат учун берган аризаси рад этилган, чунки у аввалги мақомини легаллаштириш учун берган талабномасига салбий жавоб олган. Шунинг учун унга нисбатан мамлакатдан бадарға қилиниш қарори қабул қилинган.

Манба: Center for Equal Opportunities and Opposition to Racism, Annual Report on Trafficking in and Smuggling of Human Beings 2010: Combating social fraud to prevent trafficking in human beings (Brussels, October 2011), pp/59-63, [http://www.diversiteit.be/?action=publicar\\_detail&id=135&setLanguage=3](http://www.diversiteit.be/?action=publicar_detail&id=135&setLanguage=3), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>18</sup> Ўша ерда, Guidelines 2.5 (ensuring non-prosecution for violations of immigration laws or for involvement in activities as a direct consequence of being trafficked); Guideline 4.5 (ensuring that law enforcement efforts do not place trafficked persons at risk of being punished for offences committed because of their situation); Guideline 8.3 (ensuring that children who are victims of trafficking are not subjected to criminal procedures or sanctions for offences related to their situation as trafficked persons).

<sup>19</sup> Ўша ерда., Guideline 8.3. Шунингдек болалар ишларига доир қўллама учун қуйидаги 6.1-бўлимни кўрин.

[22] ЕХХТнинг аъзо Давлатлари “[о]дам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида қўрилатган чора-тадбирлар шахснинг ҳуқуқлари ва кадр-қиммати, шу жумладан эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига зарар етказмаслигини таъминлашга”<sup>20</sup> аҳд қилдилар. Жазоламаслик тамойили ЕХХТ даражасида 2000 йилдаги Министрлар Кенгашида куйидаги мажбурият белгиланганидан бери илгари суриб келинмоқда:

“одам савдосининг жиноят деб тан олинishi учун зарур чора-тадбирларни, жумладан қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва татбиқ этиш орқали амалга ошириш, шунингдек бундай жиноятга қарши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг самарали курашишини ва жиноий жавобгарликка тортишни таъминлаш мақсадида тегишли жазо чораларини белгилаш. Бундай қонун ҳужжатида одам савдоси муаммосига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя билан ёндашиш ҳисобга олинishi керак, ҳамда одам савдоси жабрланувчилари сотиш объекти бўлиб қолганликлари сабаблигина таъқиб қилинмасликларини таъминловчи одам савдоси жабрланувчиларига нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши зарур.”<sup>21</sup>

Ушбу мажбурият ҳозирги кунгача қайта эътироф этиб келинмоқда; ЕХХТнинг Министрлар Кенгаши Вилнюс Декларациясида тасдиқлайди:

“10. Одам савдосининг жабрланувчилари деб аниқланган шахслар ноқонуний фаолиятда қатнашганлиги учун, агар бунга уларни мажбур қилишган бўлса, жазога тортилмаслигини таъминлаш бўйича тўғри чора-тадбирларни, мақсадга мувофиқ равишда, қўриб олиш зарурлигини тан оламиз.”<sup>22</sup>

[23] Бу тамойил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияларида<sup>23</sup>, Одам савдосини олдини олиш ва курашиш бўйича Брюссел Декларациясида<sup>24</sup> ва Одам савдоси тамойиллари бўй-

ича Майами Декларациясида<sup>25</sup> қайтадан эътироф этилган. Жазоламаслик шарти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги(МДХ)нинг Одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги намунавий қонунига<sup>26</sup> ҳам киритилган. МДХнинг Намунавий қонуни 5-моддасининг 3 бандида шундай тамойилни белгиланадики, унга кўра одам савдоси жабрланувчилари шундай ҳолатларида содир этишга мажбур этилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилишлари керак.<sup>27</sup> Европа комиссиясининг одам савдоси бўйича экспертлар гуруҳи<sup>28</sup> ҳамда БМТнинг одам савдоси бўйича ишчи гуруҳи<sup>29</sup> жазоламаслигини қўллаб-қувватладилар. Шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг одам, айниқса аёллар ва болалар савдоси бўйича махсус вакили ҳам жазоламаслик ва сотилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортмасликни тарафдори бўлган.<sup>30</sup>

[24] Палермо протоколи қабул қилингандан буён шакланган манзарага кўра бу тамойил турли ташкилотлар томонидан қабул қилинган мажбурий бўлмаган ҳужжатларда кенг қўллаб-қувватланди. Шунингдек, қонунбузарлик содир этган шахс мустақил равишда ҳаракат қилмаган ҳолларда уни жазоламасликнинг мақбуллиги ва хатто зарурлиги Давлатлар томонидан тан олиниб, қабул қилинди.

[25] Халқаро ҳуқуққа асосланган жазоламаслик мажбурияти Давлатлар томонидан миллий амалиётга татбиқ этилиши керак. Барча Давлатлар талаблардан ва ўз ҳуқуқий тизимларининг мураккаблигидан қатъи назар миллий қонунчиликнинг халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштирилишини таъминлашга мажбурдирлар. 1969 йилги Шартномалар ҳуқуқи ҳақидаги Вена конвенциясини 27-моддаси куйидагича таъкидланади (қисман):

“Қатнашувчи шартномани бажармаслигини оқлаш сифатида ўзининг ички ҳуқуқ қоидаларига таяна олмайди”.<sup>31</sup>

<sup>20</sup> OSCE Permanent Council, *Decision No. 557/Rev.1 OSCE Action Plan to Combat Trafficking in Human Beings*, PC/Dec/557/Rev.1 (Vienna 7 July 2005), Chapter IV, para. 5.2.

<sup>21</sup> OSCE Ministerial Council, *Decision No. 1 Enhancing the OSCE's Efforts to Combat Trafficking Human Beings*, MC(8). DEC/1 (Vienna, 28 November 2000), para.9.

<sup>22</sup> OSCE Ministerial Council, *Ministerial Declaration on Combating All Forms of Human Trafficking*, MC.DOC/1/11/Corr.1 (7 December 2011); OSCE, *Annotated Agenda of the 2012 OSCE Human Dimension Seminar*, CIO.GAL/51/12Rev.1 (10 May 2012): “Шунингдек одам савдоси жабрланувчилари фақатгина сотилганликлари учун жиноий жавобгарликка учрамаслиги ва мажбурланганликлари тўғрисида ноқонуний ҳаракатларга қўшилиб қолганликлари учун жазоланмасликлари одам савдосига қонун устунилиги ва инсон ҳуқуқлари ёндашуви ва қўриб олиш ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг муҳим унсурини ҳисобланади.” Бошқа сўз билан айтганда, одам савдоси жабрланувчилари жумладан жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун, агар ушбу ҳуқуқбузарликлари фақатгина сотилганликлари оқибатида ёки унинг сабаби бўлиб содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмасликлари ва жазоланмасликлари лозим. ЕХХТ аъзо давлатлари одам савдоси жабрланувчиларини жиноий жавобгарликка тортмаслик ва жазоламаслик талаби давлат қонун ҳужжатларидан жой олиши мажбуриятини зиммаларига олганлар”.

<sup>23</sup> United Nations, *Resolution on Traffic in women and girls/adopted by the General Assembly, A/RES/55/67* (31 January 2001), para.6; also United Nations, *Resolution Global Plan of Action to Combat Trafficking in Persons: resolution/adopted by the General Assembly, A/RES/64/293* (12 August 2010): унда давлатлардан “Одам савдоси жабрланувчиларига жиноят қўриб олишга бўлгандай муомала қилинишини ва давлат қонун ҳужжатларида одам савдосининг барча қўриқилари самарали криминализиация қилинишини” талаб қилинади ва “Ҳуқуқларни одам савдосининг аниқланган жабрланувчилари сотилганликлари сабабли жазоланмасликларига ва ҳуқуқат ҳаракати тўғрисидаги жабр қўриқиларига қаратилган тегишли чоралар қўриқилиши кафолатлашга” ундайди.М

<sup>24</sup> European Union (EU), *Brussels Declaration on Preventing and Combating Trafficking in Human Beings*, 14981/02 (29 November 2002), para. 7, <http://www.unhcr.org/refworld/docid/4693ac222.html>, 2013 йил 10 апрель кунини кўриди: “Одам савдоси жабрланувчилари жиддий жиноят қўриқилари, деб тан олинishi лозим. Шу боис жабрланувчилар одам савдосининг таркибидеги ҳуқуқбузарликларни эҳтимоли содир этганлари учун янгидан жабрланмаслиги, тамға олмаслиги, жиноятчи ҳисобланмаслиги, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ёки ҳисб муассасаларида сақланмасликлари керак”.

<sup>25</sup> *The Miami Declaration on Human Trafficking* (10 February 2005), para.28: “Сотилган шахс одам савдоси жинояти қўриқилари, деб тан олинishi шарт. Давлатлар сотилган шахснинг мақомини жиноят ҳисобламаслиги ва жабрланувчиларни одам савдоси билан боғлиқ бўлган ноқонуний иммиграция ёки фоҳишалик каби ноқонуний ҳаракатлар учун жазо тайинламасликлари керак.”

<sup>26</sup> Commonwealth of Independent States (CIS), *Model Law on Providing Assistance to the Victims of Trafficking* (2008).

<sup>27</sup> Уша ерда

<sup>28</sup> European Commission, *Opinion No.1/2008 of the Expert Group on Trafficking in Human Beings on the Revision of the Council Framework decision of 19 July 2002 on Combating Trafficking in Human Beings* (17 October 2008), p.4.

<sup>29</sup> United Nations, *Report on the meeting of the Working Group on Trafficking in Persons held in Vienna on 14 and 15 April 2009*, CTC/COP/WG.4/2009/2 (21 April 2009), [http://www.unodc.org/documents/treaties/organized\\_crime/Final\\_report\\_English\\_TIP.pdf](http://www.unodc.org/documents/treaties/organized_crime/Final_report_English_TIP.pdf), 2013 йил 10 апрель кунини кўриди, para. 12: “Аъзо давлатлар ўз ички қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда сотилган шахсларни сотилган шахс аҳолидан бевосита келиб чиқувчи ёки бундай ноқонуний қилмишга мажбур қилинганларида ноқонуний қилмишлар учун жазоламаслик ёки жиноий жавобгарликка тортмасликни қўриб чиқишлари лозим”.

<sup>30</sup> Un Human Rights Council, *Report of the Special Rapporteur on trafficking in persons, especially women and children*, Joy Ngozi Ezeilo, A/HRC/20/18 (6 June 2012) pars. 23-30.



Миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро мажбуриятлар орасида ихтилоф бўлган ҳолатларда сўнгиси Давлатлар учун мажбурий бўлиб қолаверади. Шунинг учун, Европа Кенгашининг одам савдосига қарши ҳаракат конвенциясига аъзо Давлатлар<sup>32</sup>, ушбу ҳужжатга мувофиқ иш тутишлари учун, 26-моддада талаб этилганидек, керак бўлса жазоламаслик тамойилига ҳақиқий ва амалий куч берилишини таъминлаш йўлида чоралар кўришлари лозим.

## 4. Жазоламаслик тамойили: инсон ҳуқуқлари ёндашувининг муҳим унсури

[26] Сотилган шахслар битта ёки ундан кўпроқ оғир жиноятнинг қурбонлари бўлганлар. Давлатлар бундай шахсларга ёрдам кўрсатиш ва жиноятчига бўлгандек муносабатда бўлмаслик мажбуриятига эгадирлар. БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича тавсия этилган тамойиллар ва амалий қоидаларда *“сотилган шахснинг инсон ҳуқуқлари одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, уларга ёрдам бериш ва кўрилган зарарни қоплаш бўйича ҳаракатларнинг марказида бўлиши лозим”* деб таъкидланган.<sup>33</sup> 2005 йилги Европа Кенгашининг одам савдосига қарши ҳаракат конвенциясининг преамбуласида аниқ белгиланади: *“одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларига риоя қилиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва одам савдосига қарши курашиш энг муҳим вазифалар бўлиши лозим деб ҳисоблаган ҳолда”*.<sup>34</sup> Министрлар кенгашининг Порто декларациясида, ЕХҲТнинг аъзо Давлатлари шунингдек тасдиқладилар: *“ҳамма вақт жабрланувчиларнинг қадр-қиммати ҳурмат ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш керак”*.<sup>35</sup> Шахснинг сотилиш натижасида ёки бевосита унинг оқибатида содир этган хатти-ҳаракати учун жазога тортишни шу контекстда кўриш керак: унда оғир жиноят жабрланувчилари нафақат адолатсиз жазоланади ва таҳқирланади, балки айнан ушбу инсон ҳуқуқлари мақсадларига зиён етказилади.

[27] Жазоламаслик тамойили, Давлатлардан сотилган шахсларга нисбатан баъзи ҳаракатлардан ўзларини тийишларини талаб қилишдан ташқари, уларга ижобий мажбуриятларни ҳам юклайди. Ранцев Кипр ва Россияга қарши ишида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди инсон ҳуқуқлари ва фундаментал (қўлликни, сервитутни ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш)

эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенциясининг 4-моддасига асосан Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари *“[...].Одам савдосидан жабр кўрганларнинг ёки кўриши мукин бўлганларнинг ҳуқуқларини амалий ва самарали ҳимоясини таъминлаш учун етарли бўлган”* қонун ҳужжатлари мавжудлигини ўз ичига олади деб, қарор қилди.<sup>36</sup> Жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоясига берилган урғу аслида бу мажбурият бундай шахслар ўзларининг сотилган ҳолатлари оқибатида ёки унга бевосита боғлиқ ҳолда содир этган жиноятлари учун жазоланмасликларини таъминлашни ўз ичига олишгача боришидан далолатдир. Савдогарлар ёки сотилишнинг ўзи содир этишга мажбур қилган жиноятлари учун шахсни Давлат жазолашидан кўра жабрланувчининг ҳуқуқларини қўполроқ бузувчи хатти-ҳаракат кам бўлса керак. Шу сабабли жазоламаслик мажбурияти Давлатнинг одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш мажбурияти<sup>37</sup> билан ҳамда Давлатнинг одам савдоси ҳодисасини тергов қилиб ҳақиқий ҳуқуқбузарни аниқлаб қонун олдида жавобгарликка тортиш бурчи билан бевосита боғлиқдир.<sup>38</sup>

[28] Жазоламаслик тамойили бевосита ва билвосита бузилиши мумкин. Билвосита бузилиш Давлат ҳокимиятининг шахсни одам савдоси жабрланувчиси сифатида аниқлай олмаслиги оқибатида юзага келади. Бу эса ўз навбатида содир этилган жиноят шароитлари ва жиний жавобгарликнинг манзараси тўлиқ бўлмаслиги олиб келади. Жазоламаслик тамойилини бевосита бузилиши Давлатҳокимияти вакиллари одам савдоси жабрланувчиси томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишда жабрланувчининг мақоми ҳақида “билган бўлиши керак”<sup>39</sup>, лекин уларнинг жавобгарлиги масаласига келганда, ушбу фактга етарли аҳамият бермаслик ҳолатларидан келиб чиқади.

## 5. Аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш: жазоламаслик тамойили қўлланилишининг дастлабки шартлари

[29] Жазоламаслик тамойили самарали амал қилиши учун жиний иш қўзғатилмаслиги ёки бошқа бир чоралар кўрилиши ёхуд, иш қўзғатилган тақдирда, у тўхтатилиши ёки назарда тутилган жиноят сотилиш мобайнида ёки оқибатида содир этилганлиги маълум

<sup>32</sup> OSCE Ministerial Council, Decision No. 15/05 Preventing and Combatting Violence against Women (Ljubljana, 6 December 2005), para.3: *давлатларни ўринли ҳолларда Европа Кенгашининг одам савдосига қарши ҳаракат конвенциясини имзолаш ва ратификация қилишга чақиради.*

<sup>33</sup> UN Office of the High Commissioner for Human Rights, *Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking*, E/2002/68/Add.1 (20 May 2002), <http://www.unhcr.org/refworld/docid/3f1fc604.html>, 2013 йил 31 январь куни кўрилди.

<sup>34</sup> Council of Europe, *Convention on Action against Trafficking in Human Beings*, CETS No. 197 (Warsaw 2002), Article 26.

<sup>35</sup> OSCE Ministerial Council, *Declaration on Trafficking in Human Beings*, MC (10). JOUR/2 (Porto, 7 December 2002), Annex 2, Section II, para. 6.

<sup>36</sup> European Court of Human Rights, *Case of Rantsev v. Cyprus and Russia*, wApplication no. 25965/04 (Strasbourg, 7 January 2010), <http://www.unhcr.org/refworld/docid/4b4f0b5a2.html>, 2013 йил 31 январь куни кўрилди, para. 284.

<sup>37</sup> Уша ерда, para. 285: *“[...] аъзо давлатлардан одам савдосини тақиқлаш ва унинг учун жазолашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва маъмурий асосни барпо этиш талаб қилинади. Суд Палермо протоколи ва Одам савдосига қарши конвенция диққатни одам савдосига қарши курашишга одам савдосининг олдини олиш ва жабрланувчиларини муҳофаза қилишни ўз ичига оладиган қамровли ёндашувни қабул қилиш назарда тутишни таъкидлайди [...] 4-моддага асосан вужудга келадиган ижобий мажбуриятларнинг кўлами ушбу кенероқ контекстда инобатга олинishi лозим.*

<sup>38</sup> Уша ерда, para 286.

<sup>39</sup> January 2010), <http://www.unhcr.org/refworld/docid/4b4f0b5a2.html>, 2013 31 январь куни кўрилди, para. 284.

бўлганда, ушбу чоралар бекор қилиниши зарур. Шахс қанчалик тез одам савдоси жабрланувчиси сифатида аниқланса, шунча тез шубҳа остидаги жиноятлар юзасидан жазолаш ёки маъмурий чораларнинг олдини олишга ёки тўхтатишга қаратилган хатти-ҳаракатларни бошлаш мумкин. Шунинг учун, одам савдоси жабрланувчиларини имкон борича тез ва оқилона аниқлаш имконини яратувчи самарали механизм ва қоидалар мавжудлиги жуда муҳимдир. Бундай қилмаслик одам савдоси жабрланувчисига одатда тўлиқ ҳуқуқий маъсулиятни, шу жумладан ўз ҳаракатлари учун жазо олиш маъсулиятини қабул қиладиган “оддий” қонунбузар сифатида қаралади. Шу сабабдан, жабрланувчини тезкор аниқлаш муҳим аҳамият касб этади ва Давлатлар сотилган шахслар билан мулоқотга киришиши мумкин бўлган Давлат хизматчилари, жумладан полиция ходимлари, чегарачилар, ижтимоий хизматлар ва меҳнат вазирлиги инспекторлари шундай вазифаларни бажаришга ўргатилган бўлишларини ва ҳамкорликда ишлашларини таъминлашлари зарур.<sup>40</sup> Бундан ташқари, Давлат ҳокимиятидан одам савдосига олиб келувчи потенциал ҳолатларни аниқлаш мақсадида олдиндан ҳаракат қилиш талаб қилинади. Прокурор гумон қилинувчининг ҳолатлари ва маълумот қайси вазиятда олинганлиги ҳақида суриштирув ўтказилишини таъминлашни ўз зиммасига олиши керак.<sup>41</sup> МВ жабрланувчиларни аниқлаш учун Давлатнинг миллий йўлланма механизми тўлиқ, тезкор ва самарали ишлатилиши лозим, деб ҳисоблайди. Суд тизими жабрланувчини аниқлаш ва жиноятчини тергов қилиш юзасидан тегишли суриштирув ўтказишга прокурорни ундаш мақсадида одам савдоси ва эксплуатация белгиси бўлган ишларни аниқлаш имкониятига эга бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳолатларда суд ишни жиноий тизимдан четлаштириши ва жабрланувчини ёрдам ва тикланиш чора-тадбирларга йўналтириши ўта зарур бўлиши мумкин.

[30] Одам савдоси жабрланувчилари уларнинг сотилганликлари натижасида ёки сотилиш билан бевосита боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлари учун жазоланмаслигини таъминлаш мақсадида, улар сотилганлар дейиш учун етарлича шубҳа пайдо бўлиши биланоқ, ушбу ҳолат атрофлича ўрганилиши лозим. Бундан ташқари, жабрланувчиларни мамлакатдан бадарға қилиниши ҳақидаги ҳар қандай қарор тўхтатилиши керак<sup>42</sup> ва уларга эҳтиёжлари ва ҳуқуқларига яраша муҳим ёрдам кўрсатилиши, шу жумладан ўзларининг ҳолатлари юзасидан мустақил ҳуқуқий маслаҳат олиш имконияти берилиши керак. Европа кенгаши конвенциясининг 12.1-моддасида қуйидагилар таъкидланади:

<sup>40</sup> OSCE Ministerial Council, *Decision No/8/07 Combating Trafficking in Human Beings for Labour Exploitation* (Madrid, 30 November 2007), para.4; OSCE Permanent Council, *Decision No 557/Rev. 1 OSCE Action Plan to Combat Trafficking in Human Beings* (Vienna, 7 July 2005), Chap. III para.5, Chap. V para.3, Addendum para.5.

<sup>41</sup> England and Wales Court of Appeals, *Case of Regina v O*, EWCA Crim 2835 (2008), <http://www.bailii.org/ew/cases/EWCA/Crim/2008/2835.html>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>42</sup> Council of Europe, *Op. Cit.*, Article 10, para.30.3: “Жабрланувчининг ёши аниқ бўлмаса ва жабрланувчи бола экан деб, тахмин қилишга етарлича асос бўлса, у бола, деб ҳисобланиши ва унга нисбатан ёши аниқлангунча махсус муҳофаза чоралари таъдиқ этилиши керак”.

“Ҳар бир Тараф одам савдоси жабрланувчиларига уларни жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитация қилиш бўйича ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган қонун ва бошқа чора-тадбирларни қабул қилади. Бундай ёрдамга камида қуйидагилар қиради: [...]

d) маслаҳат ва маълумот бериш, хусусан уларнинг қонуний ҳуқуқларига ва улар учун мавжуд хизматларга доир, уларга тушунарли бўлган тилдамаслаҳат ва маълумот бериш”.

Шунга ўхшаш мажбурият ЕИ даражасида мавжуд.<sup>43</sup> ЕХХТнинг одам савдосига қарши мажбуриятлари ҳам Давлатларни жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишни, хусусан жабрланувчига тушунарли тилда ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳат олиш имкониятини таъминлашга чақиради.<sup>44</sup>

### Жинсий эксплуатация учун сотилган қиз ноқонуний мигрант сифатида қалбаки ҳужжатлар билан қайтди

Р Швейцарияга Шарқий Европадан таниши ёрдамида келган. Унга 18 ёшдан катта эканлигини кўрсатувчи қалбаки паспорт берилган эди. У кўчада фоҳиша бўлиб ишлашга мажбур қилинган; у хўжайинларига кунига 1000 Швейцария франки бериши керак эди. Уларга бўйсунмайдиган бўлса, уни ўлдириш билан қўрқитишар эди. Полиция тадбири давомида полициячилар унинг پاسпорти қалбаки эканлиги ва ёши нотўғри кўрсатилганлигини билиб қолишган; уни суроқ қилишганда ўзининг аҳволини очмаган ва депортация бўлгунга қадар ҳибсда ушланган; ҳибсда ушланишнинг ўзи бу ҳолда жазо деб ҳисобланиши мумкин. FIZ ННТи бу ҳақда эшитиб, 40 дақиқалик учрашувга рухсат олишга муваффақ бўлди. Қиз жуда қўрқиб гапиргиси келмаган, аммо маслаҳатчи унинг аҳволи билан танишлигини билгандан кейин гап очиб, ёрдам сўраган. У ўз мамлакатда оиласи билан бир жойда яшовчи қўшмачидан қўрққан. ННТ унинг депортациясини кечиктиришга уринди, аммо маваффақ бўлмади. Уч кундан кейин у ўз мамлакатига қайтди.<sup>45</sup>

Манба: FIZ, *Trafficking in girls*, Newsletter 12 (2012), p.3=135&setLanguage=3, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>43</sup> European Union, *Directive 2011/36/EU of the European Parliament and the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA* (5 April 2011), Article 11.5.

<sup>44</sup> OSCE Ministerial Council, *Decision No/8/07 Combating Trafficking in Human Beings for Labour Exploitation* (Madrid, 30 November 2007), para.3; OSCE Ministerial Council, *Decision No 5/08 Enhancing Criminal Justice Responses to Trafficking in Human Beings through a Comprehensive Approach* (Helsinki, 5 December 2008), para.10; OSCE Permanent Council, *Decision No 557/Rev. 1 OSCE Action Plan to Combat Trafficking in Human Beings* (Vienna, 7 July 2005), Chap. IV para. 6.1.

<sup>45</sup> Одам савдосига қарши курашининг 2012-2014 йил Швейцария Ҳаракат Режасида аниқлаш ва муҳофаза қилишга тегишли қатор қоидалар, жумладан ўқитиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишни Швейцарияда ноқонуний яшаётган чет элликларга нисбатан қонунга мажбурлаш чораларидан устун ҳисоблаш орқали мавжудлиги таъкидланади. Швейцария Жиноят кодексига 2007 йилда киритилган ўзгартиш “одам савдоси жабрланувчиларни жавобгарликдан озод қилиш” қоидадан иборат бўлди. Юқоридаги ишда яшаш учун рухсатнома олишга ариза берилганлиги ва нега жазоланмаслик қоидаси бу ҳолда қўлланмаганлиги равиан эмас.



## 6. Тамойилнинг кўлами

[31] Жазоламаслик тамойили жиноий жавобгарликка тортишни чеклаш билангина чегараланмайди. Одам савдоси жабрланувчилари сотилганликлари давомида ёки оқибатида содир этган хатти-ҳаракатлари учун бошқа йўллар билан жавобгарликка тортилишлари ёки жазоланишлари мумкин. Бундай хатти-ҳаракатлар гарчи қонунга хилоф бўлса-да, ҳаммаси ҳам жиноят эмас. Одам савдоси жабрланувчилари ноқонуний равишда чегарадан ўтиб ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, иммиграция ёки бошқа қонунларни бузишлари мумкин. Улар мамлакатга қонуний равишда кирган бўлсалар ҳам, муддатдан ортиқ қолиб, ишлаб ёки меҳнат қонунларини бузиб, мамлакатга кириш шартларини бузишлари мумкин. Бир қарашда, улар фоҳишаларни тақиқловчи ёки тартибга солувчи қонунларни бузган бўлишлари мумкин. Бироқ, воқелик анча бошқача: воқелик шундан иборатки, одам савдоси жабрланувчилари бундай ҳолатга тушишларининг сабаби уларнинг қонунга хилоф равишда сотилганликлари, ва ўз эркинликларидан маҳрум бўлганларидир. Катталар сотилганда, Палермо протоколининг 3-моддасига асосан, улар “куч ишлатиш ёки куч ишлатиш таҳдиди ёки мажбурлашнинг, олиб қочишнинг, фирибгарликнинг, алдовнинг, ваколатни суистемол қилишнинг ёки заифлик ҳолатидан фойдаланишнинг бошқа турларига” гирифтор бўладилар, ёки уларнинг устидан назорат ўрнатган кимдир шундай назорат ўрнатилишига рухсат берган.<sup>46</sup>

### Жазоламасликни суд томонидан талқин қилиниши

Яқинда кўрилган ишида Буюк Британия апелляция суди Европа кенгаши конвенциясининг 26-моддасини шарҳлаб ундаги мажбурлаш тушунчасининг инглиз умумий ҳуқуқида одатда назарда тутилган талқиндан кўра кенгроқ талқинини қабул қилди: - “[...] 26-модда [...] “мажбур бўлган” сўзини халқаро ҳужжатга хос умумий маънода ишлатади, ва Инглиз умумий ҳуқуқида ҳимояасосланиши мумкин бўлган шароитлари билан чегараланмаган”; - “[...] 26-моддага кўра мажбурият бу [...] одам савдоси жабрланувчиси томонидан содир этилган ва у содир этишга мажбур бўлган барча жиноятларга тааллуқлидир”.

Манба: England and Wales Court of Appeals, Case of LM, MB, DG, Betti Tabot and Yutunde Tijani –and-The Queen, EWCA Crim 2327 (2010), paras. 11-12.

<sup>46</sup> “Заифлик ҳолатини суистемол қилиш” маъноси ва кўламини сўнги изоҳи мақсадида қаранг: UNODC, *Issue Paper on Abuse of a Position of Vulnerability and Other “Means” within the Definition of Trafficking in Persons* (2012), [http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/2012/UNODC\\_2012\\_Issue\\_Paper\\_-\\_Abuse\\_of\\_a\\_Position\\_of\\_Vulnerability.pdf](http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/2012/UNODC_2012_Issue_Paper_-_Abuse_of_a_Position_of_Vulnerability.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди; ва UNODC, *Guidance Note on ‘abuse of a position of vulnerability’ as a means of trafficking in persons in Article 3 of the Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons, Especially Women and Children, supplementing the United Nations Convention against Transnational Organized Crime* (2012), [http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/2012/UNODC\\_2012\\_Guidance\\_Note\\_-\\_Abuse\\_of\\_a\\_Position\\_of\\_Vulnerability\\_E.pdf](http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/2012/UNODC_2012_Guidance_Note_-_Abuse_of_a_Position_of_Vulnerability_E.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди. Тамойил кўламининг болалар билан боғлиқ ҳоллардаги муҳокамасини қуйидаги 6.1 бўлими кўринг.

[32] Сотилган шахслар фақатгина жарима солинишига ёки хатто озодликдан маҳрум қилинишига олиб келувчи адолатсиз жиноий жавобгарликка тортилиш хавфи остида эмаслар. Улар, шунингдек, маъмурий ҳибсда ушлаш ёки “ёпиқ турдаги бошпанада ушланиб туриш” каби ҳаракат қилиш эркинлигини бошқа чеклашлари орқали жазоланиш хавфи ҳам остида бўлади.<sup>47</sup> Бундай ушлаб туриш Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи асосидаги мажбуриятларининг бузилиши деб, саналиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 5-моддасидашундай таъкидланади, қисман:

“1. Ҳар бир шахс эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қуйидаги ҳоллардан ва қонунда белгиланган тартибдагидан бошқа ҳолатларда эркинликдан маҳрум этилиши мумкин эмас: [...]

с. шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишда асосли шубҳа бўлган тақдирда ваколатли орган олдида жавоб бериши учун, ёки у ҳуқуқбузарликни содир этишининг ёки содир этгандан кейин яширинишининг олдида олиш зурури деб ҳисоблаш учун етарли асос бўлган ҳолларда қонунга кўра қўлга олиш ёки ҳибсда сақлаш; [...]

ф. шахс мамлакатга ноқонуний киришининг олдини олиш мақсадида ёки унга нисбатан депортация ёки экстрадиция чоралари қўлланиладиган шахсни қонунга кўра қўлга олиш ёки ҳибсда сақлаш.”

5-модда ихтиёрий, яъни қонуний асосга эга булмай, ҳибсда ушлашни тақиқлайди. У барчанинг қачон ва қаерга истаса боришдек муҳим эркинлигини қўллаб-қувватлайди, қонунда бунга йўл қўймаслик учун ишонarli асос бўлган ҳоллар бундан мустасно. Шу нуқтаи назардан, Давлатларда одам савдоси жабрланувчиларини самарали ва тўлиқ аниқлаш учун керакли механизмлар мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Бир қарашда, сотилган шахс ҳибсда ушланишни талаб этувчи қонунбузарликни содир этгандек туюлади; ёхуд уларни манзил мамлакатига керакли рухсатсиз кирган кишилар, деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун, ноқонуний мигрантларга мўлжалланган ҳибсда ушлаш жойларининг ходимларини огоҳликка ўргатиш ва уларни ҳужжати йўқ сотилган шахсларни аниқлаш мақсадида ННТ билан ҳамкорликка чақириш айниқса муҳима-ҳамият касб этади, негаки айнан шу шахслар кўпинча шундай жойларга тушиб қолишади ва таҳдид, қарздорлик тутқунлиги, шикаст ёки Давлат идораларига нисбатан ишонч йўқлиги туфайли ошкора гапириб, эксплуататорларни айблашдан кўрқишлари мумкин.

<sup>47</sup> Ушбу амалиёт сотилган шахслар билан муомала қилишнинг асосий камчилиги, деб топилди: Global Alliance against Traffic in Women, *Collateral Damage. The impact of Anti-Trafficking Measures on Human Rights around the world* (Bangkok, 2007), p.22; A. Gallagher and E. Pearson, “The High Cost of Freedom: A Legal and Policy Analysis of Shelter Detention for Victims of Trafficking” in *Human Rights Quarterly*, Vol.32, p.73 (2010)

## Жинсий эксплуатация учун сотилган қиз трансчегаравий ҳамкорлик туфайли ҳибсда ушлаш жойида аниқланган

Нигериялик аёллар ёлғон ваъдалар билан ёлланиб, Бельгияга жинсий эксплуатация учун олиб келинган эдилар. Савдогарлар аёлларни бўйсунган ҳолда ушлаш учун зўравонлик ва шаманлик марасомларини ишлатганлар ва йўлқирани тўлаш учун фоҳишалик қилишга мажбур қилганлар. Африкалик аёлларни жалб қилган интернет тармоғи орқали фоҳишалик бўйича тергов давомида Бельгия полицияси ушбу ҳодисадан хабар топди. Телефон алоқасини эшитиш орқали полицияга маълум бўлдики, жабранувчилардан бири Нидерландияда қалбаки ҳужжатлардан фойдалангани учун ушланиб ноқонуний мигрантларнинг қамоғига солинган. Бельгия суди Нидерландиядаги ҳамкорларига жабранувчи билан суҳбат ўтказишни сўраб, расмий талаб юборган. Самарали трансчегаравий ҳамкорлик натижасида улар жабранувчининг одам савдоси жабранувчиларини қабул қилиш махсус марказининг мутахассиси билан учрашувини ташкил қилдилар. Жабранувчига Бельгия полицияси билан ҳамкорлик қилиш ва мамлакатда жабранувчи мақомини олиш имконияти борлиги айтилди. Икки Давлатнинг прокурорлари, иммиграция идоралари ходимлари ва ННТлар орасидаги самарали идоралараро трансчегаравий ҳамкорлик туфайли, сотилган аёл Бельгияга кўчирилиб, унга одам савдоси жабранувчиларини қабул қилиш махсус маркази томонидан ёрдам кўрсатилди.

Манба: Center for Equal Opportunities and Opposition to Racism, 2011 Annual Report on Trafficking in and Smuggling of Human Beings. The money that matters (Brussels, October 2012), pp. 98-101, [http://www.diversiteit.be/?action=publicaties\\_detail&id=153&thema=5&sect\\_page=216&setLanguage=3](http://www.diversiteit.be/?action=publicaties_detail&id=153&thema=5&sect_page=216&setLanguage=3), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди

[33] БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича тавсия этилган тамойиллар ва амалий қоидалари<sup>48</sup> бевосита қамоққа олишга ва ҳаракат эркинлигига тўхталади. Юқорида айтиб ўтилган 7-тамойил (21-банд) сотилган шахс мамлакатга киришининг ёки яшашининг ноқонунийлиги учун, шунингдек шасхнинг сотилганлик ҳолатининг “бевосита оқибати” бўлган ноқонуний фаолиятга алоқадор бўлганлиги учун “қамоққа олинмаслиги керак” деб таъкидлайди.

Амалий қоидалар буни янада чуқурлаштиради:

- 1.5-амалий қоида Давлатлар “*Бирча шахсларнинг эркин ҳаракат қилишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва одам савдосига қарши курашишчора-тадбирлари ана шу ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келмаслигини таъминлаши кераклигини*” назарда тутди.

<sup>48</sup> Un Office of the High Commissioner for Human Rights, *Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking*, E/2002/68/Add.1 (20 May 2002), <http://www/unhcr.org/refworld/docid/3f1fc604.html>, 2013 йил 31 январь куни кўрилди.

- 2.6-амалий қоида Давлатлар “*Одам савдоси жабранувчилари ҳар қандай ҳолатда ҳам иммиграцион қамоқхоналаридан ёки ҳибсга олишнинг бошқа шаклларига дучор қилинмасликларини*” назарда тутди.
- 4.5-амалий қоида Давлатлар “*Қонунчиликда сотилган шахсларни ноқонуний кириб келиши ёки истоқомат қилиши ёхуд улар бевосита одам савдоси жабранувчиларига айланиб қолганликлари сасабли жалб этилган фаолияти учун суд томонидан таъқиб қилинишига, қамоққа олинишига ёки жазоланишига йўл қўйимасликликни таъминлашларини*” назарда тутди.
- 6.1-амалий қоида “*Одам савдоси жабранувчилари муҳожирлар учун қамоқда ушлаш марказларида, бошқа қамоқхоналарда ёки бошпанасиз шахслар учун мўлжалланган жойларга жойлаштирилмаслиги кераклигини*” назарда тутди.

Сотилган кишига унинг заифлиги инobatга олиниб, жиноятчи эмас, балки жиноят қурбони сифатида қаралиши тан олинганлиги ушбу амалий қоидаларда яққол таъкидланади. Ушбу эътирофга Европа кенгашининг конвенциясида ва ЕИнинг одам савдоси бўйича фармонида ҳуқуқий шакл ва куч берилган.

[34] Ундан ташқари, одам савдоси тажрибасининг жабранувчиларга кўрсатган таъсири бўйича тиббий изланишлар шуни кўрсатадики, қамоққа олиш ва озодликдан маҳрум қилиш уларнинг дардини ва заифлигини кучайтиришга ҳисса қўшади ва жамланган жароҳатга, ўз жонига қасд қилишга мойилликка ва шикастланиш оқибатидаги руҳий зарба касалигига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, жабранувчининг сотилиш қийноғини ва соғлиғига салбий оқибатларини ҳисобга олиш ва англаш жабранувчилар сотилиш оқибатида ёки у билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятлар учун қамоқда ушланмасликларини таъминлашнинг муҳимлигини мустахкамлайди.<sup>49</sup>

[35] Одам савдоси жабранувчилари бошқа жарима ва жазолар, жумладан мамлакатга қайта киришни тақиқлаш ёки мажбурий репатриацияга дучор бўлишлари осондир. Мажбурий репатриация сотилган шахс ё қочоқ<sup>50</sup> ёки қўшимча ёки иккиламчи ҳимоя олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслиги сабабли унган нисбатан мавжуд бўлган халқаро ҳимоя қилиш мажбуриятидан келиб чиқадиган бадарға қилишни тақиқлаш қондасига зид бўлиши мумкин.<sup>51</sup>

<sup>49</sup> ЕХҲТнинг одам савдосига қарши курашиш махсус вакили ва координатори бюроси Инсон ҳуқуқлари бўйича Людвиг Больцман институти ва Хелен Бамбер жамғармаси билан ҳамкорликда, *Trafficking in Human Beings Amounting to Torture and Other Forms of Ill-treatment*, Occasional Paper Series no.5 (June 2013).

<sup>50</sup> UNHCR, *Guidelines on International Protection No.7: The Application of Article 1A(2) of the 1951 Convention and/or 1967 Protocol Relating to the Status of Refugees to Victims of Trafficking in Persons at Risk of Being Trafficked*, HCR?GIP/06/07 (7 April 2006).

<sup>51</sup> Европа Иттифоқининг қонун ҳужжатларига кўра бу ҳол *Council Directive 2004/83/EC of 29 April 2004 on minimum standards for the qualification and status of third country nationals and stateless persons as refugees or as persons who otherwise need international protection* билан тартибга солинади. Бу ҳужжат Европа Иттифоқи фуқароларига тегишли эмас, аммо шундай бўлса-да, бундай шахсларбу муносабатда умуман инсон ҳуқуқлари қонунлари билан ҳимояланган. Ушбу Фармон қайта ишланди: *European Union, Directive 2011/95/EU of the European Parliament and of the Council of 13 December 2011 and standards for the qualification and status of third country nationals and stateless persons as beneficiaries of international protection, for a uniform status for refugees or for persons eligible for subsidiary protection, and for the content of the protection granted* (recast).

[36] Сотилган шахслар давлат идоралари билан одам савдоси жиноятини тергов ва жавобгарликка тортиш йўлида ҳамкорлик қилолмасликлари ёки хоҳламасликлари учун жазога муштало бўлишлари мумкин. Баъзи ҳолларда сотилган шахслар давлат идоралари билан тергов жараёнида ҳамкорлик қилсалар-да, улар муқаддам содир этган жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлари сабабли тақроран жазога тортилишлари мумкин. Сотилган шахсларга нисбатан ноқонуний мигрант сифатида бадарға қилиниш қарори чиқарилиши, ёки улар ўзларининг сотилиш ҳолатлари билан боғлиқ қонунбузарликлар содир этганлари учун жазоланиши бунга мисолдир.<sup>52</sup> Шундай жазоланиш оқиба-тида одам савдоси жабрланувчиларидаузоқ муддат салбий таъсири сезладиган муқаддам судланиш ёки маъмурий жавобгарликка тортилиш тарихи бўлиши мумкин. Масалан, шундай маъмурий ва/ёки жиноий жавобгарлик тарихи жабрланувчилар учун яшаш рухсатномасини олишда ёки муддатини узайтиришда тўсиқ бўлиши ёки жабрланувчининг келиш/кетиш имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин. Устига устак, жиноий тарихга эга бўлиш жабрланувчилар келиб чиқиши мамлакатларига қайтганларида, масалан айни жиноий тарих, баъзи келиб чиқиш мамлакатларда ўлим жазоси билан жазоланувчи гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноят бўлганида, жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

### Аёл дўконда ўғрилик қилиш учун эксплуатация қилинган

“Монголиялик ёш аёл (D) Нидерландияда дўконда ўғрилик қилгани учун ушланган. Сўроқ давомида, D у ўғрилик қилишга мажбурланган, деб таъкидлаган. Бироқ аёл уни мажбурлаган киши ҳақида шунчалик кам маълумот берганки, полиция бу маълумот бўйича ҳеч нарса қилолмаган ва D ўғрилик учун жарима тўлашга мажбур бўлган. D Нидерландияда ноқонуний истиқомат қилаётганлиги учун уни репатриация қилиш ҳаракатлари бошланган. D билан суҳбат давомида, Келиш-кетиш хизмати (DT&V) одам савдоси аломатини сезиб қолган. DT&V қатъий савол-жавоб қилганда маълум бўлдики, бир жиноий гуруҳ Dни Нидерландияда фоҳишаллик ва ўғрилик қилишга мажбур қилган. D охир-оқибат одам савдоси ҳодисасини ошкор қилди. У B9 режасига [одам савдоси жабрланувчиларига вақтинчалик яшаш рухсатини бериш қондаси] қабул қилинган. Аммо, ижтимоий ходимнинг таъкидлашига кўра, у дўконда ўғрилик қилгани учун жавобгарликка тортилгани сабабли унинг яшаш рухсатномаси узайтирилмаслик эҳтимоли бор. Одам савдосида айбланганларга нисбатан жиноий иш ушбу қўлланмани ёзиш пайтида давом этаётган эди.

Манба: Dutch National Rapporteur on Trafficking in Human Beings, Trafficking in human beings, Seventh Report of the Dutch National Rapporteur (2010), pp. 233-234.

<sup>52</sup> Ушбу масала муҳокамасини кўринг: Dutch National Rapporteur on Trafficking in Human Beings, Trafficking in human beings, Seventh Report of the Dutch National Rapporteur (2010), pp. 233-235.

## 6.1 Тамойилнинг сотилган болалар иштирок этган ишлардаги кўлами

[37] Болаларни таҳқирланиш ва эксплуатация қилинишга, жумладан сотилишга қаршилик қилишда айниқса заифлиги кенг тан олинган.<sup>53</sup> Ёш бўлганлари учунгина ҳам улар Давлат билан тўқнаш келганда айниқса заифдирлар. Уларнинг алоҳида эҳтиёжлари ва ҳуқуқлари бор, жумладан ўзгалардан ҳимоя, ғам-хўрлик ва таълим олиш ҳуқуқлари мавжуд. Жиноий жавобгарликка тортилиш ёши турли мамлакатларда турли бўлса-да, Давлатлар халқаро ҳуқуққа биноан 18 ёшгача бўлган барча шахсларга нисбатан алоҳида маъсулиятга эгадирлар. БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича тавсия этилган тамойиллари ва амалий қоидаларининг 10-тамойилида таъкидланади: *“Одам савдоси жабрланувчилари бўлган болаларнинг шундай мақоми аниқланади. Боланинг энг яхши манфаатлари ҳамма вақт биринчи ўринда бўлади. Одам савдоси жабрланувчиларига айланган болаларга тегишли ёрдам ва ҳимоя кўрсатилади. Уларнинг алоҳида заиф томонлари, ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари эса тўлиқ эътиборга олинади.”*

8.2-амалий қоида бола жабрланувчини тезкор аниқлаш тартиби мавжуд бўлишини тавсия этади. 8.3-амалий қоида, хусусан болаларга нисбатан, одам савдоси жабрланувчиларига нисбатан жиноий иш юритувига ёки жазога дучор қилмасликка оид умумий тақиқни тақрорлайди.

[38] ЮНИСЕФнинг одам савдосининг бола жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ҳақидаги кўрсатмалари ҳам Давлатларнинг одам сотилиши билан боғлиқ қонунбузарлик содир этишга мажбур бўлган ҳар қандай болани жиноий жавобгарликка тортмаслик мажбуриятини кўзда тутаяди:

*“Суд идоралари бола жабрланувчилар ўзларининг сотилганлик вазияти билан боғлиқ қонунбузарликлари, жумладан миграция қонунларини бузишлари учун уларга жиноий иш қўзғатилмаслиги ёки жазо қўлланмаслигини таъминлашлари лозим”.*<sup>54</sup>

[39] БМТнинг жабрланувчи жиноятгувоҳи бўлган болалар билан боғлиқ масалаларда одил судловга тааллуқли кўрсатмалари жабрланувчи ва гувоҳ болаларни деб *“тегишли жиноятдаги ёки шубҳадаги жиноятчини ёхуд жиноятчилар гуруҳини жиноий жавобгарликка тортиш жараёнидаги ўрнидан қатъи назар, жиноят қурбонлари ёки гувоҳлари бўлган 18*

<sup>53</sup> European Commission, Communication from the Commission to the European Parliament, the Council, the European Economic and Social Committee and the Committee of the Regions. The EU Strategy towards the Eradication of Trafficking in Human Beings 2012-2016, COM (2012) 286 final (Brussels, 19 June 2012); European Union, Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combating trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA (5 April 2001), Preamble, Recital 8, 12. Болаларнинг айниқса заифлиги ва алоҳида эҳтиёжлари UNICEF, Reference Guide on Protecting the Rights of Child Victims of Trafficking in Europe (Geneva, 2006) да батафсил муҳокама қилинади.

<sup>54</sup> UN Children's Fund (UNICEF), Guidelines on the Protection of Child Victims of Trafficking (September 2006), [http://www.unicef.org/ceecis/0610-Unisef\\_Victoms\\_Guidelines\\_en.pdf](http://www.unicef.org/ceecis/0610-Unisef_Victoms_Guidelines_en.pdf), 2013 йил 30 январь куни кўрилди, p.20.



ёшгача болалар ва ўсмирларни<sup>55</sup> назарда тутати. БМТнинг кўрсатмаларида ундан ташқари “аслида жабрланувчи ва гувоҳ бўлган болаларга хато равишда қонунбузар, деб қаралса, улар қўшимча қийинчиликка дучор бўлишлари мумкин” деб эътироф этилади.<sup>56</sup> Кўрсатмаларда жабрланувчи ва гувоҳ бўлган болаларга ғамхўрлик ва бола манфаатларини назарда тутган ҳолда, ҳурмат ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишга ва халқаро талабларга асосан тегишли ҳимояни таъминлаш заруриятига урғу берилди. Кўрсатмаларга асосланиб, ЮНИСЕФ эксплуатация қилинган ва/ёки сотилган болалар ҳимоя, жумладан “ўзларининг ҳолатлари натижасида содир этган қонунбузарликлари учун жарима ва жазолаш тайинланиши”дан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга деб, таъкидлайди. Ушбу тамойил болаларнинг жиноятдаги ўрнига ва жиноят содир этилган жойига қарамасдан ва жиноятчиларга қарши жиноий иш қўзғатилишидан ва унинг натижаларидан, ёки жиноятчиларга қўйилган айбловдан қатъи назар қўлланилиши керак.”

[40] Болаларнинг махсус заифликлари ва вояга етмаганлик мақоми Палермо протоколи ва Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги конвенциясидаги одам савдоси тушунчасининг таърифларида эътироф этилган. Ушбу таърифларга асосан сотиш воситаларидан хоҳлаган бирини аниқлаш талаби фақат катталарнинг ишларига тегишлидир. Бинобарин, Палермо протоколи ва Европа кенгаши конвенциясининг таърифларига кўра, шахсни эксплуатация мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиб олиш ҳаракати амалга оширилганда, ва ушбу шахс 18 ёшдан кичик бўлса, катталарга нисбатан одам савдосида ишлатиладиган бирон бир таъсир воситаларини қўлланишидан қатъи назар, бола савдоси жинояти рўй берган ҳисобланади.<sup>58</sup>

[41] Шунинг учун болаларга келганда, уларнинг жабрланувчи мақоми тан олиниши учун ҳеч қандай восита, жумладан мажбурлаш, алдаш ёки таҳдид, мавжуд бўлиши шарт эмас. Болалар қонун бўйича сотилишга розилик бера олмайдилар ва сотилган шахслар ўзларини эксплуатация қилинишларига розилик бермайдилар: “Болага таҳдид қилинмаган, унга қарши ҳеч қандай куч ишлатилмаган, ёки мажбурланмаган, олиб қочилмаган ёки алданмаган бўлса ҳам, бола эксплуатация қилиш учун одам савдоси хатти-ҳаракатида розилик бера олмайди”.<sup>59</sup> ЕИнинг одам савдоси бўйича

Фармони ҳам бунинг ўта муҳимлигини қайта таъкидлайди: “болалар масаласида ҳеч қандай розилик асосли деб ҳисобланмаслики керак”.<sup>60</sup> Бинобарин, жазоламаслик тамойили вояга етмаганларга нисбатан қўлланилганда, Давлатлар “мажбур этилган” сўзини кенг, том маънода бўлмаган талқинини қабул қилишлари керак. Бундай талқин ҳам Европа кенгаши конвенциясининг 26-моддасида, ҳам ЕИнинг одам савдоси бўйича фармонининг 8-моддасида акс эттирилган. Бунинг учун бола содир этган қонунбузарлик одам савдосига алоқадор эканлигини аниқлаш талаб этилади. Шундай боғлиқлик мавжуд бўлган ҳолларда, жиноий иш қўзғатилмаслиги ёки илк палласида тўхтатилиши керак ёки апелляция қилиш имконияти берилиши керак.

[42] Махсус вакил болалар билан боғлиқ ҳолларда мажбурлашнинг кенг қўлланилиши зарурияти боланинг ёши туфайлигина заифлиги ва бола савдосининг ҳуқуқий таърифида розиликнинг аҳамиятсизлиги нуқтаи назардан англаниши керак, деган фикрни илгари суради. Хусусан, зўравонлик ва/ёки эксплуатация ва/ёки бола савдоси аломатлари мавжуд ҳолларда, ҳуқуқий нуқтаи назардан бундай вазиятдаги бола шахсий мустақилликка, қочишга ҳаракат қилиш каби аниқ ва хабардор танлов эркинлигига эга эмаслигини ва муқобил воситалардан фойдаланиш имкониятлари ниҳоятда чекланганлиги ёки умуман мавжуд эмаслигини англаш лозим. Шунинг учун, бола эксплуатация қилинганда ва/ёки сотилганда, ва савдогар томонидан ноқонуний мақсадда ишлатилганда, ёки бола сотилганлик шароити билан боғлиқ жиноят содир этганда, жазоламаслик шартининг қўлланилиши нафақат болани ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, балки боланинг Давлат томонидан иккиламчи шакастланиши эҳтимолининг олдини олиш учун ҳам муҳима ҳимоятга эга.

[43] Боланинг розилиги ҳуқуқий маънода аҳамиятсиз бўлгани учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар унинг эксплуатацияга розилик берганини аниқлашга интизмасликлари керак. Шунинг учун, тергов даврида йиғилган ва Давлат ҳокимияти суд жараёнида ёки вояга етмаган жабрланувчининг кўрсатма бериш пайтида ишлатилиши мумкин бўлган маълумот, ҳар қандай шароитда ҳам болага қарши унинг жиноий жавобгарлигини тасдиқлаш учун қўлланилмаслиги керак. Одам савдоси вазиятидаги боланинг ноқонуний фаолиятга бўлган розилиги боланинг жабрланувчи эканлиги мақомидан кучлироқ бўла олмайди.<sup>61</sup>

[44] Болалар эксплуатациянинг ҳар хил турлари мақсадида сотилдилар, ва баъзилари, боланинг сотилганлик мақоми ҳисобга олинмаса, муайян Давлатда жиноий жавобгарлик учун белгиланган ёшга қараб, уни жиноий жавобгарликка тортишга лойиқ қилиши мумкин. Болалар сотилганда ва савдогар ундан ноқону-

<sup>55</sup> United Nations Economic and Social Council, *UN Economic and Social Council 2005/20: Guidelines on Justice in Matters Involving Child Victims and Witnesses of Crime*, E/RES/2005/20 (22 July 2005), para9(a), [http://www.un.org/en/pseataaskforce/docs/guidelines\\_on\\_justice\\_in\\_matters\\_involving\\_child\\_victims\\_and.pdf](http://www.un.org/en/pseataaskforce/docs/guidelines_on_justice_in_matters_involving_child_victims_and.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>56</sup> Уша ерда., пара 7(е).

<sup>57</sup> UNICEF Innocenti Research Centre, *Child Trafficking in the Nordic Countries: Rethinking strategies and national responses. Technical report* (May 2012), p.99, <http://www.unicef-irc.org/publications/643>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>58</sup> United Nations, *Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons, Especially Women and Children, supplementing the United Nations Convention against Transnational Organized Crime*, UN Doc.A/45/49 Vol.1 (15 November 2000), Article 3; Council of Europe, *Convention on Action against Trafficking in Human Beings*, CETS No. 197 (Warsaw, 2005), Article 4.

<sup>59</sup> United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC), *Trafficking in Persons* (Vienna, 2009), <http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/HTleafletA5EnglishupdatedAugust09.pdf>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>60</sup> European Union, *Directive 2011/36/EU of the European Parliament and of the Council of 5 April 2011 on preventing and combatting trafficking in human beings and protecting its victims, and replacing Council Framework Decision 2002/629/JHA* (5 April 2011), Preamble, Recital 11.

<sup>61</sup> UN Children's Fund (UNICEF), *Guidelines on the Protection of Child Victims of Trafficking* (September 2006), <http://www.unhcr.org/refworld/docid/49997af727.html>, 2013 йил 30 январь куни кўрилди, p.20.

ний мақсадда фойдаланганда, ёки бола ўзининг сотилганлик вазияти билан боғлиқ жиноят содир этганида, жазоламаслик тамойили боланинг кейинги жабр тортишини олдини олиш учун ҳам қўлланилиши керак. Жиноят шароитлари ноаниқ бўлган ёки жиноят ва боланинг сотилганлиги орасидаги боғлиқлик юзасидан шубҳа мавжуд бўлган ҳолатларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ва прокурор боланинг омонлигига хизмат қилувчи, унга шикаст етказишнинг олдини олувчи ва унинг энг яхши манфаатларига хизмат қилувчи ҳаракатларни устун кўриши лозим.<sup>62</sup>

[45] Халқаро стандартларга<sup>63</sup> ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг амалиётига мувофиқ, “*жиноят содир этишда айбланган болага унинг ёши, етуқлик даражаси ва ақлий ва руҳий имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш жуда муҳим, ва унинг жараёнларни англаши ва қатнашиши имкониятларини кенгайтириш учун чоралар кўрилиши керак*”<sup>64</sup> Ундан ташқари, “*болалар билан боғлиқ барча жараёнларда тезкор жавобчоралари кўрилиши ва боланинг энг яхши манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонун устунлигини таъминлаган ҳолда зудлик билан кўриш тамойили қўлланилиши лозим*”<sup>65</sup> Болалар савдоси контекстида боланинг жиноят қурбони сифатида аниқлаш жараёни асоссиз кечиктирилмай ўтказилишини таъминлаш янада муҳимаҳамиятга эга бўлади. Халқаро стандартларда жабрланувчи бола эканлигига ишонишга асос бўлганда, у ёши тасдиқланма гунча бола, деб ҳисобланиши кераклиги назарда тутилади.<sup>66</sup>

[46] Қамокда ушлашга келганда, болалар полиция камераларида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан боғлиқ бошқа ҳибсда ушлаш жойларида ушланмасликлари керак. Болаларни, уларнинг хавфсизлигини кўзлаб, болалар эсон-омонлиги/ҳимояси тизими контекстида бирон-бир махсус жойда ушлаш зарурати бўлиши мумкин. ЮНИСЕФга кўра “*Ҳар қандай шароитда ҳам болани қандай бўлса ҳам ҳибсда*

*ушлаш муассасида, жумладан полиция камералари, қамоклар ёки болалар учун махсус ҳибсда ушлаш марказларида сақлаш мумкин эмас*”.<sup>67</sup>

### Қиз шахсни тасдиқловчи қалбақиҳужжатдан савдогардан чет элга қочиш учун фойдаланди

Нигериялик 16 ёшли қиз ўз мамлакатида 63 ёшли киши билан келишилган никоҳдан қутулиш учун Буюк Британияга олиб кетилишига рози бўлди. Етиб келганида унга таҳдид қилинган, зўрланган ва 60.000 Евро сафар сарфини қоплаш учун фоҳишалик қилишга мажбурланган. Бир оз вақт ўтгач, у қочишга муваффақ бўлган ва Францияга йўл олган йўловчи автобусида полиция томонидан шахсни тасдиқловчи қалбақиҳужжат билан ушланган. У ўзиники сифатида фойдаланиш ниятида қалбақи гувоҳномага эгалик қилиш жиноятига иқрор бўлган ва вояга етган шахс сифатида 8 ойга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳукм устидан апелляция шикоят киритилган. Жиний апелляция суди ўз қарорида Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш конвенцияси ва Инсон ҳуқуқлари ҳақида Европа конвенциясидан (6-модда) келиб чиқадиган мажбуриятларга эътиборни қаратди. Апелляция жараёнида қиз атиги 16 ёки 17 ёш бўлгани; устига-устак қизни яқинда жинсий эксплуатация учун одам савдосининг ишонарли жабрланувчиси деб баҳолаган Porru Project ижтимоий хизмат ходими, қизни тегишлича баҳолаш мақсадида дастлабки суд жараёни қолдирилишини қизнинг ҳимоячисидан талаб қилгани, ва ушбу талаб эътиборга олинмагани ва иш қизнинг одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкинлиги юзасидан адвокатлар томонидан ҳеч қандай кўшимча терговсиз давом этганлиги маълум бўлди. Апелляция суди, прокурор қизни жиний жавобгарликка тортилиши ижтимоий манфаатга хизмат қилиши масаласини кўриб чиқмаганини, ҳимоячи қизнинг мажбурлаш остида хатти-ҳаракат қилганлик ҳимоясини тақдим этиши мумкин бўлганини ўйлаб кўрмаганини, ҳеч ким Давлатнинг қизни вояга етмаган шахс сифатда ҳимоя қилиш мажбуриятини инобатга олмаганини, ва хатто судья у бола (яъни 18 ёшгача) бўлишига қарамай қизни ёши билан ҳисоблашмаганини ва қизнинг иши умуман Қироллик судида кўрилиши керак эмаслигини аниқлади. Апелляция суди қизни айблаш шароитлари “уятли” деб аниқлади ва айбловни одил суд амалга ошмаганлиги асосида бекор қилди.

Манба: England and Wales Court of Appeals, Case of Regina v O, EWCA Crim 2835 (2008), <http://www.bailii.org/ew/cases/EWCA/Crim/2008/2835.html>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>62</sup> UNICEF, *Reference Guide on Protecting the Rights of Child Victims of Trafficking in Europe* (Geneva, 2006), pp. 104-105, [http://www.unicef.org/ceecis/UNICEF\\_Child\\_Trafficking\\_low.pdf](http://www.unicef.org/ceecis/UNICEF_Child_Trafficking_low.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди; шунигдек United Nations, *United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice* (“The Beijing Rules”); resolution / adopted by the General Assembly, A/RES/40/33 (29 November 1985)ни кўринг, <http://www.un.org/documents/ga/res/40/a40r033.htm>, 2013 йил 30 январь куни кўрилди, para. 10.3.

<sup>63</sup> United Nations Economic and Social Council, Op. Cit., Arts. V, VI, VII, [http://www.un.org/en/psetaskforce/docs/guidelines\\_on\\_justice\\_in\\_matters\\_involving\\_child\\_victims\\_andpdf](http://www.un.org/en/psetaskforce/docs/guidelines_on_justice_in_matters_involving_child_victims_andpdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>64</sup> European Court of Human Rights, *Case of V. v. The United Kingdom*, Application no. 24888/94 (Strasbourg, 16 December 1999), para.86; European Court of Human Rights, *Case of T. v. The United Kingdom*, Application no. 24724/94 (Strasbourg, 16 December 1999), para. 84.

<sup>65</sup> Council of Europe, *Guidelines of the the Committee of Ministers of the Council of Europe on child-friendly justice* (17 November 2010), Section IV, para.D.4.50, [http://www.coe.int/t/dghl/standardsetting/childjustice/Guidelines%20on%20child-friendly%20justice%20and%20their%20explanatory%20memorandum%20\\_4\\_.pdf](http://www.coe.int/t/dghl/standardsetting/childjustice/Guidelines%20on%20child-friendly%20justice%20and%20their%20explanatory%20memorandum%20_4_.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди. Шунигдек United Nations Economic and Social Council, Op.Cit., Art.XI, para. 30(c)ни кўринг.

<sup>66</sup> Council of Europe, Op.Cit., Art. 10.3; UNODC, *Legislative Guide for the Implementation of the United Nations Convention against Transnational Organized Crime and the Protocol Thereto* (New York, 2004), p. 289, para.65, [http://www.unodc.org/pdf/crime/legislative\\_guides/Legislative%20guides\\_Full%20version.pdf](http://www.unodc.org/pdf/crime/legislative_guides/Legislative%20guides_Full%20version.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди; UN OHCHR, *Commentary to the Recommended Principles and Guidelines on Human Rights and Human Trafficking* (2010), p. 163, [http://www.unhcr.org/Documents/Publications/Commentary\\_Human\\_Trafficking\\_en.pdf](http://www.unhcr.org/Documents/Publications/Commentary_Human_Trafficking_en.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>67</sup> UNICEF, *Reference Guide on Protecting the Rights of Child Victims of Trafficking in Europe* (Geneva, 2006), p. 65, [http://www.unicef.org/ceecis/UNICEF\\_Child\\_Trafficking\\_low.pdf](http://www.unicef.org/ceecis/UNICEF_Child_Trafficking_low.pdf), 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

[47] Бола ҳуқуқи ҳақидаги конвенцияда “18 ёшга етгунга қадар ҳар бир инсон бола ҳисобланади, агар мазкур болага нисбатан қўлланиладиган қонунга кўра бола балоғат ёшига эрта етмаган бўлса” дейилади (1-модда).<sup>68</sup> Боланинг энг яхши манфаати Давлатга алоқадор барча масалаларда “асосий мулоҳаза” бўлиши керак (3.1-модда). Аслида болаларнинг эксплуатация қилиниши қаршида заифлиги Конвенциянинг асосий мавзусидир; бу мавзу болаларни сотиш, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографияси ҳақидаги Бола ҳуқуқларига тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протоколида (2000)<sup>69</sup> янада кўпроқ ёритилади. Ушбу ҳужжатларни ҳар бирида боланинг омонлиги ва энг яхши манфаатини кўзлаб иш тутиш заруратини таъкидлайдиган қоидалар мавжуд. Хусусан, Бола ҳуқуқи ҳақидаги конвенциясининг 37-моддасида (b банди) шундай дейилади:

*“Биронта ҳам бола эркинликдан ноқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан маҳрум қилинмайди. Болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш қонунга кўра амалга оширилиши ва бу чоралардан фақат энг сўнги чора сифатида фойдаланиш керак, ва бу, иложи борича, қисқа мақбулмуддатга бўлиши керак”.*

[48] БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ўз мамлакатлари ташқарисидидаги ҳамроҳсиз ва ота-онадан ажралган болаларга муносабат ҳақидаги 6-чи умумий шарҳида тавсия этади: “[я]на ҳам умумий жиҳатга келадиган бўлсак, ота-оналарнинг ҳамроҳлигисиз ва улардан айрилган болалар, жумладан сотиш ва эксплуатация қилиш қурбонлари бўлган болалар хусусидидаги сиёсатни ишлаб чиқишда, Давлатлар бундай болалар мамлакатга ноқонуний кириб келганлиги ва ўша мамлакатда яшаб турганлигини ўзига асосланиб жиноий жавобгарликка тортилмасликларини таъминлашлари керак”.<sup>70</sup> Комитет болаларни қамоқда ушлаш масаласини халқаро миграция контекстида кўриб чиқади ва шундай дейди: “[б]олани унинг ота-онасининг муҳожирлик мақомига асосан қамоқда ушлаш бола ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади ва ҳамма вақт боланинг энг яхши манфаати тамойилига зид бўлади”.<sup>71</sup>

[49] Кўпинча болалар савдогарлар талабларига катталардан кўра камроқ қаршилиқ кўрсата оладилар. Жазоламаслик мажбурияти, жумладан маъмурий жарима солмаслик болалар билан боғлиқ ҳолатларда қатъий талабдир.

## 6.2 Одам савдосига билан боғлиқ жиноятлар

[50] Сотилган шахс жазоланмаслиги тамойили икки томонлама ишлатилади:

- Улар сотилиш мобайнида содир этилган қонунбузарликлар учун (сабабга асосланган жиноятлар);
- Сотилиш ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган, аммо сотилган шахсларнинг ҳаракат қилиш эркинлиги чекланганлиги сабабли содир этишга мажбур қилинган жиноятлар учун (зўрлашга асосланган жиноятлар).<sup>72</sup>

Одам савдоси жабранувчиларига нисбатан жазоламаслик мажбуриятини бажаришда миллий қонунчилик ва прокурорларга тавсиялар ва бошқа тегишли ҳужжатларга асосан жиноий адлия тизими иштирокчилари жиноятнинг ҳар иккала турини эътиборга олишлари шарт.

[51] Жабранувчилар сотилиш мобайнида, ёки оқибатида содир этиши мумкин бўлган кенг қамровли жиноятлар рўйхатини тузишнинг иложи йўқ. Одамлар ҳар хил мақсадда сотиладилар ва улар содир этидиган қонунбузарликлар одатда шу мақсадлар билан боғлиқ. Шунга қарамай, кўпинча одам савдоси контекстида сотир этиладиган алоҳида жиноятлар мавжуд.<sup>73</sup>

[52] Жабранувчилар сотилиш мобайнида содир этиши мумкин бўлган жиноятлар иммиграция қонунларини бузиш, йўл ҳужжатлари, меҳнат рухсатномаси ва яшаб рухсатномасини олиш мақсадида сохта маълумот бериш, Давлат чегараларидан ноқонуний ўтиш ва виза муддатидан ортиқ мамлакатда қолишдан иборат, аммо шулар билан чекланмайди.

[53] Сотилиш оқибатида содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар сотилиш мобайнида содир этилган жиноятларни ўз ичига олади, чунки жабранувчи савдогар томонидан назорат қилинаётган бўлади. Бундай жиноятлар жабранувчиларни сотишга сабаб бўлган эксплуатация тури билан боғлиқ жиноятларни ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди. Мисол учун, фоҳишалик қилишга мажбурланган жабранувчилар рухсатномага эга бўлмасликлари мумкин (шундай рухсатнома талаб этилган ҳолларда) ёки улар меҳнат фаолиятини Давлатнинг фоҳишалик тўғрисидаги қонунларига зид равишда амалга оширишлари

<sup>72</sup> United Nations Working Group on Trafficking in Persons, *Non-punishment and non-prosecution of victims of trafficking in persons: administrative and judicial approaches to offences committed in the process of such trafficking*, CTOC/COP/WG.4/2010/4 (9 December 2009), para.4, <[http://www.unodc.org/documents/treaties/organized\\_crime/2010\\_CTOC\\_COP\\_WG4/WG4\\_2010\\_4\\_E.pdf](http://www.unodc.org/documents/treaties/organized_crime/2010_CTOC_COP_WG4/WG4_2010_4_E.pdf)>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди

<sup>73</sup> UN Office on Drugs and Crime (UNODC), *Model Law Against Trafficking in Persons* (5 August 2009), <[http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/UNODC\\_Model\\_Law\\_on\\_Trafficking\\_in\\_Persons.pdf](http://www.unodc.org/documents/human-trafficking/UNODC_Model_Law_on_Trafficking_in_Persons.pdf)>, accessed 29 January 2013, p.40: “Одам савдосига қарши намунавий қонун”нинг 10-моддасига берилган шарҳда жиноий жавобгарликка тортувчи мансабдор шахслар учун прокурор ихтиёрга эга ҳуқуқий тизимларга тегишли намунавий кўрсатмалар баён этилган: “Одам савдоси жабранувчиси одам савдоси жиноятининг бевосита натижасида содир этган ҳуқуқбузарлик, жумладан: (а) шахнинг ноқонуний равишда [мамлакатга] киргани, [мамлакатдан] чиқиб кетгани, [мамлакатда] яшагани; (б) шахс одам савдоси қилиши билан боғлиқ равишда мамлакатга кириш ёки ундан чиқиб кетиш мақсадида қўлга киритган ёки унга берилган хоҳлаган фирибгарлик сафар ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатни сотиб олиш ёки унга эга бўлиш; (в) мажбурланган доирасида шахснинг ноқонуний фалятда иштироки туфайли ушланиши, озодликдан маҳрум этилиши ёки жиноий жавобгарликка ёки маъмурий чораларга тортилиши лозим эмас.”

<sup>68</sup> United Nations, *Convention on the Rights of the Child* (1989), <<http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CRC.aspx>>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.

<sup>69</sup> United Nations, *Optional Protocol to the Convention on the Rights of the Child on the sale of children, child prostitution and child pornography*, A/RES/54/263 (2000).

<sup>70</sup> United Nations Committee on the Rights of the Child (CRC), *CRC General Comment No. 6 (2005): Treatment of unaccompanied and separated children outside their country of origin*, CRC/GC/2005/6 (2005), para.62.

<sup>71</sup> United Nations Committee on the Rights of the Child, *Report of the 2012 Day of the General Discussion: the Rights of All Children in the Context of International Migration*, para. 78, <<http://www2/ohchr.org/english/bodies/crc/docs/discussion2012/ReportDGDChildrenAndMigration2012.pdf>>, 2013 йил 10 апрель куни кўрилди.



мумкин. Қишлоқ ҳўжалигида ишловчилар меҳнат рух-сатномасига эга бўлмасликлари мумкин. Болалар ўғрилиқ қилишлари мумкин. Тиламчилар маҳаллий қонунларга зид хатти-ҳаракат қилишлари мумкин. Савдогарлар жабрланувчиларнигиёҳванд моддаларни ноқонуний ишлаб чиқаришга ҳамда зўравонлик жиноятларини содир этишга мажбур қилишлари мумкин. Бошқа ҳолларда, савдогарлар жабрланувчиларни қарамлик ва эксплуатациядан озод қилганларидан сўнг атайин, масалан, уларга ҳақиқий деб, аслида сохта шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар бериш орқали, жиноятсодир этадиган ҳолатга туширишлари мумкин.

[54] Шунга қарамай, жабрланувчи савдогар томонидан ўрнатилган назоратнинг бевосита оқибати бўлмаган, аммо барибир унинг сотилганлик ҳолати билан боғлиқ тақиқланган хатти-ҳаракатда ҳам қатнашишлари мумкин. Бундай ҳолат, жабрланувчи савдогар назоратидан қутулганда қонунбузарликка муурожаат этиши эксплуатациядан қутулиш учун бошқа аҳамиятли йўл йўқ деб, фикрлашининг оқибати бўлиши мумкин; бинобарин бундай ҳолларда жазоламаслик тамойили қўлланилиши керак.

[55] Ва ниҳоят, энг қийин вазият собиқ жабрланувчи бошга шахсни сотиш ёки эксплуатация қилишда иштирок этган “зўравонлик цикли”<sup>74</sup> ҳодисаси, деб таърифланадиган вазиятдир. Бундай ҳолатда савдогарлар қурбонларини бошқаларни эксплуатация қилишда ўзларига ёрдамчи қилиб олишга йўналтирадилар. Бу эса собиқ жабрланувчини маъсул қилиш орқали қолган жабрланувчилар устидан назоратни сақлаб қолиш ва уларни ёрдам излашдан янада қўрқишларини таъминлаш учун атайин қўзланган стратегиядир. Бундай ҳолларда жабрланувчилар сотилганлилари туфайли жиноятчига айланишга мажбур бўлганлари, яъни улар жиноят содир этишга мажбур этилганликлари ва одам савдоси таърифидаги у ёки бу восита мавжудлиги туфайли савдогарга бўйсунушдан бошқа иложлари бўлмаганлигинингдалили доим ҳам бўлавермайди.

[56] Ушбу жиноятлар оммавий хавфсизликка ва тартибга таҳдид солади. Давлат бу жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни ушлаш учун қонуний манфаатга эгадир. Бироқ, одам савдоси жабрланувчиси содир этган ҳуқуқбузарлик унинг сотилганлигининг бевосита сабаби ёки оқибати бўлса, прокурор ёки судья ҳар бир ҳолатда мазкур жиноят қай даражада одам савдосига ва жабрланувчининг шахсий эркинлиги чекланганлига алоқадорлигини ҳисобга олиши керак. Агар жиноят гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг сотилганлик ҳолатига алоқадор бўлса, Давлат уларни жиноий жавобгарликка тортишдан, қамоққа олишдан ва жазо қўллашдан тийилиши керак. Аксинча, сотилган шахс хатти-ҳаракатларини сотилганлигидан қатъи назар амалга оширган бўлса, ва ихтиёрий, одам савдоси тушунчасига асосан, бир ёки бир нечта воситалар кучидан ҳоли равишда жиноят содир этган бўлса, у тўлиқ жавобгарликка тортилиши керак. Шунини ҳисобга олиш керакки, жабрланувчилар ўз ҳуқуқлари

ва мажбуриятлари ҳақида ва шунингдек жазо, масалан маъмурий жарима, қўлланилгани ҳақида беҳабар бўлишлари мумкин. Давлатлар одам савдоси жабрланувчилари билан муносабатларда ушбу фактни ҳисобга олишлари лозим ва жабрланувчилар оғзаки ва босма шаклда ҳамда улар тушунадиган ва керакли тилда бўлган ҳуқуқий маълумот ва маслаҳатдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлашлари керак.

[57] Жабрланувчилар сотилиш мобайнида ёки оқибатида содир этиши мумкин бўлган жиноятларнинг қўламли рўйхати бўлмагани сабабли ва эксплуатациянинг янги турлари пайдо бўлиши мумкин бўлгани ва пайдо бўлаётгани учун, Давлатлар одатда одам савдосига алоқадор бўлган ва одам савдоси жабрланувчилари томонидан содир этилган тақдирда жавобгарликдан озод қилувчи жиноятларнинг тугалланмаган рўйхатини қабул қилишга ҳаракат қилишлари керак. Шунини аниқ таъкидлаш керакки, бундай рўйхат истисно қилувчи эмас ва жазоламаслик мажбурияти жиноятнинг одам савдосига алоқаси аниқланган ҳар қандай жиноятларга тегишлидир. Бундай рўйхат прокурорлар, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан одам савдоси билан бевосита алоқада бўлмаган идоралар орасида ҳам кенг тарқатилиши керак.

## 7. Ҳозирги амалиёт ва қийинчиликлар

[58] ЕХҲТга аъзо Давлатларнинг жазоламасликка оид қонун ҳужжатлари турличадир. Айрим Давлатлар бу масалани умуман кўтармайди; бошқалари бу ишни турли даражада амалга оширган. Давлатлар даражасида жазоламаслик мажбуриятининг тан олинishi ва бу мажбуриятнинг ҳамда унга алоқадор ЕХҲТ мажбуриятларининг қўлланилишида изчилликка эришиш жуда мақсадга мувофиқдир.

[59] Баъзи Давлатлар аниқ жазоламаслик шартини киритганлар, бошқалар БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Одам савдосига қарши намунавий қонунига амал қилган. Мазкур қонунда куйидаги матн миллий қонун ҳужжатларига асос сифатида такиф этилади:

“1. Одам савдоси жабрланувчилари, агар шундай ҳаракатларлар уларнинг сотилганлик вазиятининг бевосита оқибати бўлса, содир этган жиноятлари [ноқонуний ҳаракатлари] учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди [жазоланмайди] [асоссиз равишда озодликдан маҳрум этилмайди, жарима солинмайди ёки бошқа жазога тортилмайди].

2. Одам савдоси жабрланувчиси миллий қонунчиликда кўзда тутилган иммиграцияга оид ҳуқуқбузарликлари учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

3. Мазкур модда қонунларни қонунга кўра жабрланувчи учун мавжуд ҳимоя воситаларига зиён етказмаган ҳолда қўлланилади”.<sup>75</sup>

<sup>74</sup> England and Wales Court of Appeals, Case of LM, MB, DG, *Betti Tabot and Yutunde Tijani –and- The Queen*, EWCA Crim 2327 (2010), para. 13; England and Wales Court of Appeals, Case of *R v N, R v LE*, EWCA Crim 189 (2012), para. 14.

<sup>75</sup> UNODC, Op. Cit., Article 10: This provision also says that it “shall not apply where the crime is of a particularly serious nature as defined under national law”.

[60] GRETA, Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш бўйича экспертлар гуруҳи мунтазам равишда Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги Конвенциясининг 26-моддасига асосланган жазоламаслик мажбуриятининг тадбиқ этилишини ўрганиб келган. Жазоламаслик мажбуриятини Конвенцияга аъзо барча тарафлар учун бир бўлиши билан бирга, Давлатлардаги амалиёт изчилликдан йироқдир. GRETA томонидан тайёрланган ва чоп этилган баҳолаш ҳисоботлари шуни кўрсатадики, камдан кам мамлакатлар одам савдоси жабрланувчиларига нисбатан муайян жазоламаслик шартини қабул қилганлар, ва ушбу шартларнинг кўлами кўпинча чекланган (масалан, улар фақатгина бир нечта аниқ иммиграция қоидабузарликлари каби жиноятларга тегишли). GRETA баҳо берган бир нечта мамлакатда одам савдоси жабрланувчиларини одам савдоси билан боғлиқ жиноятлари учун жазолашга қарши самарали ҳимоя мутлақо йўқлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ҳақида далиллар бор. Бунинг сабаби – одам савдоси жабрланувчиларини аниқлай олмасликдан тортиб, миллий қонун ҳужжатларининг мос эмаслигича ёки миллий қонун ҳужжатларда 26-модда имплементация қилмаганлигичадир.<sup>76</sup>

[61] Ҳақиқатан, ҳуқуқий тизимларнинг хилма-хилиги туфайли ушбу тамойилнинг миллий даражада татбиқ этилиши Давлатлардаги турлича амалиётга олиб келади ва амалий қўлланишдаги бир қанча қийинчиликларни ошқор қилади. Масалан, баъзи ҳолларда тамойилнинг қўлланилиши автоматик тарзда одам савдоси жабрланувчисининг мақоми тан олинмиши билан унга нисбатан жараён тўхтатилишига олиб келади. Бошқа, кўпроқ учрайдиган ҳолларда, тамойилнинг қўлланилиши полиция, прокурор ёки судья ҳар бир алоҳида ҳолатнинг шароитларига асосан қарор қабул қилишни талаб этади. Тамойилда одам савдоси жабрланувчиси фақатгина жазоланмаслигимиз, ёки ундан ташқари судланмаслигимиз талаб қилиниши ҳақида турли талқин ва амалиёт мавжуд.

[62] Жазоламаслик шартини қўлланилиши одам савдоси ҳақида ишонарли шубҳа пайдо бўлиши ва ушбу шубҳага нисбатан муносабатга қараб турланади. Бирон киши одам савдоси жабрланувчиси бўлганлигининг далили у киши содир этганликда айбланаётган жиноятларнинг кўриб чиқилиши пайтида пайдо бўлса, бундай шубҳага қандай муносабатда бўлиш кераклиги муаммоси туғилиши мумкин. Яъни, расман аниқлаш тартиби амалга ошгунга қадар жараён тўхтатилиши керакми, ёки бу масалани ҳал қилиш масъул ман-

сабдор шахснинг (прокурор, судья) ихтиёридами. МВ бундай аниқлаш жараёни давомида депортация бўйича барча қарорлар ижроси қолдирилиши ва халқаро стандартларга мувофиқ шахсга дарҳол ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам кўрсатилиши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Ундан ташқари, прокурор ёки судья ўз ташаббуслари билан жабрланувчини аниқлаш жараёнининг натижасини ҳисобга олиш мақсадида шартли равишда жараённи тўхтатишлари керак.

[63] Гумон қилинувчи шахс одам савдоси жабрланувчиси эканлиги равшан бўлганида ҳам, жазоламаслик шартини қўлланилиши, ўз кўрсатмаларини кўп ўзгартирувчи ва прокурор томонидан ишонарли деб баҳоланмаган, шикастланган жабрланувчи билан алоқа қилиш қийинчиликлари туфайли мураккаблашиши мумкин. Қўшимча қийинчилик томони шундан иборатки, баъзида жабрланувчи гувоҳ сифатида чиқади ва унинг ишончилиги айнан жиноят содир этганлиги сабабли шубҳа остида бўлиши мумкин.

### Одам савдоси жабрланувчиси ўғрилиқ содир этиши ва жабрланувчи-гувоҳ бўлиши

“Албаниялик Р. ота-онаси томонидан С.га сотилганида вояга етмаган эди. Р. қўлликка яқин шароитда С. билан яшарди ва унинг уйида эксплуатация қилинарди. С. ундан ташқари Р.ни бир неча бор ўғрилиқ қилишга мажбур қилган. С. судланганида Р. одам савдоси ҳақида кўрсатма берди. С. унинг кўрсатмаси ишонарли эмас чунки у ўғрилиқ содир этган, деган асос билан кўрсатмага қарши чиқди. У мухаббат мактубини ашъвий дадил сифатида тақдим этди. Р. ёзган мухаббат мактубида у ўғрилиқни ихтиёрий равишда содир этган, деб ёзилган эди. Судья С.га ишонмади ва мактуб Р.томонидан С.нинг мажбурлаши орқали ёзилган, деб топди. С. Р.нинг жинойи ўтмиши туфайли келажакдаги унга қарши берадиган кўрсатмаларини ишончилигини шубҳа остига қўйиш мақсадида ўғрилиқка мажбур қилган. С. одам савдосида айбдор деб топилган. Р.га нисбатан айблов қўйилмаган чунки енгиб бўлмайдиган куч шароити юз берганлиги аниқланган. С. тўғри Олий судга апелляция шикояти билан мурожаат этди. Апелляция суди ҳам, Олий суд ҳам дастлабки қарорни кучда қолдирди.”

Манба: Dutch Rapporteur on Trafficking in Human Beings, Trafficking in human beings, Seventh Report of the Dutch National Rapporteur (2010), p.248

<sup>76</sup> Council of Europe, Group of Experts on Action against Trafficking in Human Beings (GRETA), Report concerning the implementation of the Council of Europe Convention on Action against Trafficking in Human Beings by: *Cyprus* (12 September 2011), paras. 178-181; *Austria* (15 September 2011), paras. 156-158; *Slovakia* (19 November 2011), paras. 136-139; *Croatia* (30 November 2011), paras. 125-127; *Albania* (2 December 2011), paras. 162-165; *Bulgaria* (14 December 2011), paras. 206-208; *Denmark* (20 December 2011), paras. 196-202; *Georgia* (7 February 2012), paras. 205-209; *Moldova* (22 February 2012), paras. 148-149; *Romania* (31 May 2012), paras. 187-190; *United Kingdom* (12 September 2012), paras. 324-336; *Montenegro* (13 September 2012), paras. 184-186; *Armenia* (21 September 2012), paras. 154-155; *Malta* (24 January 2013), paras. 174-179; *France* (28 January 2013), paras. 213-216; *Latvia* (31 January 2013), paras. 173-175; *Portugal* (12 February 2013), paras. 166-170.

[64] Одам савдоси жабрланувчилари мажбурлаш остида ҳам (ва ёки ноилложлик бўйича) жиноят содир этишлари мумкин, яъни шунақанги ўлим ёки кучли тана жароҳати етказиш таҳдиди туфайли ва қочиш каби ҳеч



қандай бошқа йўл бўлмаган ҳолларда, зеробундай ҳолатда ҳар қандай оқил инсон шундай йўл тутган бўларди.<sup>77</sup> Яна бир бор қайтарганда, ҳар бир ҳодисанинг маълум шароитлари тўлиқ инobatга олиниши керак.

### Сотилган шахс гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб ўтишга мажбурланган

Ўзбекистонлик икки ёш аёл (Н. ва Т.) Таиландда официант бўлиб ишлаш ваъдаси билан ўз мамлакатларида ёлланган. Бангкокка келиши билан аёллар олти ой давомида фоҳишалик қилишга мажбурланганлар. Кейинчалик Н. ва Т.Хитой жиноий гуруҳига сотилганлар ва ушбу гуруҳ аёлларга “нарсаларини” чемоданда Таиланд чегарасидан ўтказиб беришлари эвазига озод қилишни ваъда қилган. Иккала жабрланувчи аёл таклифни қабул қилган ва Покистондан Таиландга гиёҳванд моддаларни ноқонуний ўтказиш учун юборилганлар. 2000 йилда Н. ва Т. Бангкок аэропортида ҳибсга олинганлар, айбланганлар, судланганлар ва гиёҳванд моддаларни контрабандаси учун 32 ва 25 йилга озодликдан маҳрумқилинганлар. 2012 йилда Т. амнистия этилган ва халқаро ННТнинг ёрдами билан репатриация қилинган. 2000 йилда Тайланд Қиролига берилган аризасига қарамай, иккинчи аёл ҳамон қамоқда.

Манба: “Истиқболли авлод” ННТ билан 2013 йил февралдаги суҳбат.

[65] Жабрланувчи ва жиноятчи орасидаги чегара нозик бўлган жуда мураккаб ҳолатлар мавжуд, масалан, жабрланувчи бошқаларни ёллашда ёки эксплуатация қилишда қатнашган ҳоллар. Бу савдогарларнинг атайин қилинган стратегияси бўлса-да, жабрланувчилар мажбурлаш остида ёки бошқа чоралари йўқлиги сабабли жиноятчининг талабига бўйсунганлари (яъни савдогар заифлик ҳолатидан фойдаланиш воситасида жабрланувчи устидан назорат ўрнатган) ҳақида ҳар доим ҳам аниқ далиллар бўлмаслиги мумкин. Бошқа ҳолатларда жабрланувчилар савдогарнинг тазйиқидан қочиш мақсадида жиноят содир этганда, ҳар доим ҳам мазкур шахс бевосита сотилганлиги ҳолати туфайли, масалан, улар қочиб тирикчилик қилиш мақсадида сохта ҳужжатларни ишлатиш ҳолларида, шундай хатти-ҳаракатга мажбур бўлганлигининг далиллари бўлмаслиги мумкин.<sup>78</sup>

<sup>77</sup> This defense was considered in some detail in: England and Wales Court of Appeals, *Case of LM, MB, DG, Betti Tabot and Yutunde Tijani – and – The Queen*, EWCA Crim 2327 (2010).

<sup>78</sup> For example in: England and Wales Court of Appeals, *Op. Cit.*, para. 45: the Court found in one of the cases, Tijani’s case, that: “[...] there are no small difficulties in the way of the detail of the defendant’s account, but it remains possible that the underlying assertion of trafficking is true, even if embellished. What however is clearly fatal to any reliance upon the convention is the fact that for some months before the offences were committed the defendant had been entirely free of any exploitation which she may have suffered and had been living a wholly independent life”. Although the Court declined to quash the conviction it did however, decide to reduce the defendant’s sentence on the basis that she might have been trafficked in the past.

### Жиноятчилик (ўғрилиқ)ка мажбурлашувчун одам савдоси

Жабрланувчилар Бельгияда яхши иш ваъда қилиниб, Руминияда ёлланган эдилар. Уларнинг сафарлари ташкил этилиб, Бельгияга келишлари билан жойлаштирилганлар ва ўзларнинг сафарига кетган ва яшаш харажатларни қоплаш учун дўконларда кийим ўғрилашга мажбур қилинганлар. Ўғрилланган кийимлар Руминияга олиб борилиб ўша ерда сотилган. Жабрланувчилардан бири фоҳишалик қилишга мажбурланган. Бельгия полицияси мамлакат бўйича бир нечта дўконлардаги бир хил усулда содир этилган ўғрилиқ бўйича тергов бошлади. Тергов ўғрилиқ ортида уюшган жиноий гуруҳ турганини ва унда кишилар ўғрилиқ қилишга мажбурлангани ва ҳатто ҳибсга олинганда полицияга қандай жавоб бериш кераклигини ўргатилганини аниқлади. Тергов кузатувни (телефон алоқасини эшитиш) ва халқаро ҳамкорликни талаб этди ва 15-та жиноятчини судланишига олиб келди. Уланнинг ҳаммаси уюшган жиноятчиликда айбланди, ва 6 нафари кўшимча равишда ўғрилиқ ва 6 нафари жинсий эксплуатация учун одам савдосида айбланди. Полициянинг ўғрилиқ ва одам савдоси бўйича турли бўлимлари орасидаги самарали ҳамкорлик натижасида, таҳминан 20 киши мажбурий жиноятчилик жабрланувчилари деб ҳисобланиб жавобгарликдан озод этилди. Судланувчиларнинг уч нафарихукми апелляция қилдилар, аммо Антверпен апелляция суди 24 январь 2013 йилги қарориди қуйи суднинг қарорини ўз кучида қолдирди.

Манба: Centre for Equal Opportunities and Opposition to Racism, Presentation of Alliance Expert Co-ordination Team Meeting in December 2012, including discussion of judgment from the Criminal Court of Turnhout (Belgium) (17 October 2012).

[66] Жазоламаслик тамойилини татбиқ этилиши бўйича мавжуд амалиёт унинг мажбурий жиноятчилик учун одам савдоси ҳолларида, хусусан гиёҳванд моддаларни сотиш ҳолатларида самарали ва изчил қўлланилишидаги қийинчиликларни намоён қилади. Мажбурий жиноятчилик учун одам савдоси жабрланувчилари (яъни, ўғрилиқ ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этиш учун эксплуатация қилинган шахслар)ни аниқлаш кўпинча қалбаки ҳужжатларга эга бўлиш ва ёки фойдаланишда айбланган жабрланувчиларни аниқлашдан қийинроқ. Бунинг сабабларидан бири шундан иборатки, ўғрилиқ ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар билан шуғулланувчи полиция ва прокурорлар одам савдосининг ўзига хос хусусиятлари билан ва мажбурлашнинг кўзга ташланмас (масалан, руҳий зўравонлик ёки заифлик ҳолатини суиистеъмол қилиш)воситаларини ўп қўллаш орқали савдогарларнинг жабрланувчи устидан назорат ўрнатиши билан таниш эмаслар. Ундан ташқари, бундай ишларни тергови жабрланувчи жиноят содир этишга мажбурланганини исботлаш учун кўпинча телефон алоқасини эшитиш ва кузатиш орқали далиллар йиғилишни талаб этади. Шунинг учун, бундай ишларда

одам савдосининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши ва жабрланувчиларнинг заифлиги англаниши учун прокуратура ва полициянинг турли идоралари ҳамда ННТлар орасида яхши ҳамкорлик ва мулоқот талаб этилади. Болалар кўпинча мажбурий жиноятчилик учун эксплуатация қилинганлари сабабли, бундай ишларда ҳам болаларнинг ёши, мавқеи, заифлиги ва ҳуқуқлари тезкорлик ва эътибор билан ҳар қандай жараённинг бошидан оқибатга олиниши талаб этилади.

### Сотилган қизни наша етиштиришдаги иштироки учун судланиши

Вьетнамлик ёш қиз Буюк Британияга сотилган ва наша етиштириш учун эксплуатация қилинган. Унга қарши жиноий кўзғатилган, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноят учун судланган ва 20 ой озодликдан маҳрум қилинишга ҳукм қилинган. Биринчи инстанция суди судьяси: “Мен сизни Буюк Британияга сотилишингизга олиб келган қийин аҳволга тушганлигингизни тушунаман ва бу ҳолатнинг сиз ва оилангиз учун оқибатларини ҳам тушунаман, чунки сиз ҳам тушунишингиз керак, бу мамлакатга олиб келинганингизда савдогарга қарзингизни тўлаб беришга мажбурлигингизни ва бунинг учун Буюк Британияда ноқонуний фаолият билан шуғулланишингиз эҳтимилини билгансиз. Шундай экан, ушбу манзилга келганингизда қилаётган ишингиз ноқонуний ҳосил етиштириш эканлиги кундек равшан бўлган. Суд қийин аҳволда бўлганингизни ҳисобга олиб, тушуниш билан ёндашади, бироқ шуни айтишим керакки, бу кам учрайдиган иш эмас. Ҳозирги кунда суд жуда кўп Вьетнамлик қизлар Буюк Британияга наша фермаларида ишлаш учун олиб келинишлари ҳолатларни кўряпти. Ҳимоячи менга ҳукм қилиш қоидаларида суддан кейин уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгилангани аниқ тушунтирди. Айбингизга иқроор бўлдингиз ва мен бунинг тулиқ инобатга оламан. Барча ҳолатларни инобатга олиб, мен тайинлай оладиган энг қисқа жазо 20 ойга озодликдан маҳрум қилишдир,” – деб топди. Апелляцияда жараёнида Апелляция суди қиз 17 ёш бола бўлган, деб аниқлади ва хатто сотилганида 14 ёш бўлган бўлиши мумкин дея, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони бекор қилиб, ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгилади. Апелляция пайтида қиз дастлабки ҳукм асосида жазони олти ойини ўтаб бўлган эди. Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ айлов ўз кучида қолиши тушунарли.

Манба: England and Wales Court of Appeals, Case of R v HTV, EWCA Crim 211 (2012)

[67] Юқорида келтирилган ишлар одам савдоси жабрланувчиларининг, жумладан ҳеч қандай восита бўлмаганда бола жабрланувчиларнинг ёки қонун одам савдоси мақомини аниқлашни талаб қилганда, жазо олиш эмас, ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқларига Давлатларнинг мунтазам ва изчил риоя қилишини таъминлаш қанчалик мушкул бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, улар жазоламаслик мажбуриятининг талқинини сотилган шахсни сотилиши натижасидаги ёки у билан боғлиқ жиноятлари учун судланишидан ҳимоя қилиш эмас, балки ҳукм чиқариш масаласи билан чеклашгача тор тушунишга мойилликни кўрсатади.<sup>79</sup> Бундан ташқари, ушбу ишлар барча сотилган шахсларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш мақсадида жазоламаслик тамойилига оид муайян миллий қонунчилик қабул қилиш заруратини билдиради.

[68] Хулоса қилганда, тамойилнинг қўлланилиши Давлатлар одам савдосига қарши курашишни жабрланувчиларни жазолашга нисбатан қанчалик устун ҳисоблашига боғлиқдек туюлади.<sup>80</sup> Кенгроқ маънода, тамойил қўлланилишининг Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларининг ҳимоясини одам савдосига қарши курашиш чоралари марказига қўйишлари даражаси билан ўзаро боғлиқлиги аниқ. МВ тамойилнинг шундай торроқ талқини, яъни жазоламаслик мажбурияти ҳукм чиқариш масаласи билан чекланган бўлиши кераклиги Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларига нисбатан ўз мажбуриятларини бузишларига олиб келиши мумкин, деган фикрни қўллаб-қувватлайди.

## 8. Жазоламаслик мажбуриятини самарали имплементация қилиш бўйича кўрсатма

[69] Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқлари, жумладан сотилганлик вазияти сабабли содир этган жиноятлар учун жазоланмаслик ҳуқуқи ҳимояланишини таъминлашга мажбурдирлар. Бинобарин, Давлатлар жазоламаслик тамойилини ўзларининг жиноий адлия тизими ва амалиётига самарали имплементация этилишини таъминлашлари лозим.

[70] Шахс сотилганлиги аниқланган ҳолда, уларнинг шахсий эркинлиги чекланганлигига асосланиб, улар сотилиш жараёнига бевосита боғлиқ ёки унинг натижасида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликка тортилмасликлари керак. МВ жазоламаслик

<sup>79</sup> Мисол учун, England and Wales Court of Appeals, Case of R v N, R v LE, EWCA Crim 189 (2012), paras. 13, 91 and 113 кўринг.

<sup>80</sup> Масалан, эксплуатацияга мойил секторлар текширилганда, кўп ноқонуний ишчилар ушланиши ва ноқонуний мигрантларни ушлаб туриш марказларга жойлаштирилиши мумкинлиги одатдан ташқари ҳол эмас. Ушбу ишчилар орасида кўп ҳолларда эксплуатация қилинаётганлигини ишлатувчилардан кўришлари ёки қарз мажбуриятлари туфайли сотишганлигини айтишни истамайдиган одамлар бўлади. Шунинг учун эҳтимол жабрланувчиларни муаммонинг олдидини олиш тарзида аниқлаш ва айбловни бекор қилиш ва ёки жиноий жазога тортилишни тўхтатиш малакасига эга давлат хизматчилар бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

## Наша етиштиришда меҳнат эксплуатацияси учун бола савдоси

2012 йилда Англия жиноий ишлар бўйича апелляция суди наша етиштиришда меҳнат эксплуатацияси учун амалга оширилган бола савдосига оид иккита ишни кўриб чиқди.

N. Буюк Британияга ноқонуний кириб келди; унга иш таклиф этилиб наша фермасига айлантирилган иши тўхтатилган фабрикага олиб келинган ва у ерда овқат тайёрлаб тозалаши кераклиги айтилган. Унга ҳақ туланмаган. Бино кўриқланар эди, деразаларга ғишт терилган эди ва N. бошқалар билан бирга қамалиб қўйилган эди. Бир куни у фермадан кетишни уддалаган ва кейин назоратчисига телефон қилиб қайтиш хоҳиши йўқлигини айтган; аммо унга сармоя сарфланганлиги ва қочган тақдирда, хоҳ Буюк Британияда, хоҳ Вьетнамда уни топиб ўлдиришларини айтишган. Шунинг учун у қайтишга рози бўлган ва ҳайдовчи келиб, уни наша фермасига қайтарган. Бир куни полиция наша фермасини фош қилди ва уни ҳибсга олди. У фермада ишлаган пайтда 16 ёш бўлган ва ҳибсга олинганда 17 ёшга тўлган. У наша етиштириш жинояти учун судланган ва 18 ой мобайнида қамалиш ва ўқишга ҳукм қилинган. Унинг иши у судланиб ҳукм қилинганидан сўнг Миллий йўлланма механизми (МИМ)га топширилган, ва жазосини ўтаб бўлганидан анча кейингина у бола савдоси жабрланувчиси сифатида Буюк Британия чегара хизмати томонидан тан олинган.

L.E. Буюк Британияга ўғай отаси томонидан ноқонуний олиб келинган ва Буюк Британияга келиши биланоқ отаси билан алоқани йўқотган ва икки Вьетнамлик унга ёрдам беришни таклиф қилган. Уни наша фермасига айлантирилган хусусий уйга олиб боришган ва у ерда у яшаб, боғбон бўлиб ишлаган. Полиция фермани фош қилганда у ҳибсга олинган. У ўзини ёшини 15да деб, фаолияти ноқонуний эканлигини билмаганини айтди. Унинг ёшини баҳолаш натижасида камида 17 ёш бўлгани аниқланди. Ижтимоий хизматлар уни одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкин, деб гумон қилдилар, аммо прокурор бундай далилларни ишонарли деб тан олмади, чунки ҳибсга олинганда ёнида 100 фунт нақд пул ва пули тўланган уяли телефон бор эди, ва у яшаган ва ишлаган уйнинг деразаларида панжаралар бўлмаган. МИМ унинг ишини кўриб чиқиб уни одам савдосининг вояга етмаган жабрланувчиси сифатида тан олди, лекин унинг жиноий иши давом эттирилди ва унга 20 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва жазони вояга етмаган ҳуқуқбузарлар муассасасида ўташ тайинланди.

R v N; R v LE [2012] EWCA Crim 189 ишларида Жиноий апелляция суди Европа кенгашининг одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги конвенциясининг 26-моддасига асосан берилган айбловга қарши иккита апелляция шикоятини рад этди. Апелляция шикоятларини рад этишда Суд N.ниҳибсга олиниш пайтидаги иш шароитлари “уни жавобгарликка тортишдан озод қилиш қарорини чиқаришга асос бўладиган зўрлаш ва мажбурлаш даражасида эдими?”, деган саволни қўйди (90 банд). Суд шуни аниқлади: “26-модданинг ифода этилиши жавобгарликка тортишга эмас, жазо тайинлашга тегишлидир”. Уларнинг жазolari апелляция жараёнида тегишлича 4 ой қамалиш ва ўқиш ҳукмига ва 12 ой қамалиш ҳукмига камайтирилди (13, 91, 113 бандлар). Суд айбловни бекор қилишни рад этди.

2012 йил ноябрда N. ва L.E. ишлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўрилишига ариза бердилар.

Манба: England and Wales Court of Appeals, Case of R v N, R v LE, EWCA Crim 189 (2012)

шарти, айниқса мажбурлашнинг кенг қамровли, яъни одам савдосининг халқаро таърифида кўзда тутилган барча воситаларини ўз ичига олувчи таърифига келганда, одам савдоси таърифинуқтаи назаридан талқин қилиниши кераклиги фикрини қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, жиноят содир этишга “мажбур бўлиш” тушунчаси одам савдоси жабрланувчилари савдогарлар улар устидан зўравонлик, мажбурлаш ва ноқонуний воситалар, жумладан ҳокимиятни ёки заифлик ҳолатини суистемол қилиш орқали назорат ўрнатганлари туфайли эркин бўлмаган ҳолда хатти-ҳаракат қиладиган бир қатор фактга асосланган шароитларни ўз ичига олади. Бундай шароитлар одам

савдоси вазияти учун одатийдир: жабрланувчилар мажбурлаш остида ҳаракат қилишлари мумкин ва жиноят содир этишга мажбурланган бўлишлари мумкин. Шунинг учун, жазоламаслик шарти айти шундай одам савдоси жабрланувчилари билан боғлиқ барча фактга асосланган ҳолатларга тегишлидир.

[71] Давлат маълум жиноят ҳақиқатан одам савдосига боғлиқ эканлигини баҳолаши шарт. Агарда жиноят боғлиқ бўлмаса, сотилган шахс, ҳамма қатори жазоланишга лойиқ бўлиши мумкин. Агар боғлиқлик мавжуд бўлса, жазоламаслик тамойилини тўлиқ ва самарали қўллаш мажбурияти юзага келади. MB жазоламаслик

шарти одам савдоси жабрланувчиларини нафақат жазо қўлланилишидан, балки иложи борича судлов ва қамоқда ушлашдан озод қилиш мажбуриятини ўз ичига олади, деган фикрни қўллаб-қувватлайди.

[72] Мажбурий жавобгарликка тортиш мавжуд ҳуқуқий тизимларида жиноят содир этилганидан далолат берувчи фактлар бўлган ҳолда жиноий иш қўзғатиш мажбурияти бор. Бундай тизимларда жабрланувчилар жавобгарликка тортилишларининг олдини олувчи ҳуқуқий чоралар қабул қилиниши (ёки ўзгартирилиши) ниҳоятда муҳимаҳамиятга эга. Бундай қилмаслик сотилган шахслар учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки улар, бир қарашда, жиноят содир этган бўлсалар-да, улар ўз ҳаракатларини бошқаришга мустақил бўлмаганлар.

[73] Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳамма далиллар мавжуд бўлганда жиноий ишни ёки терговни бошламаслик жуда қийин ёки иложсиз бўлган мажбурий жавобгарликка тортиш мавжуд бўлган бундай ҳуқуқий тизимида, агар гумон қилинувчи ҳақиқатан ҳам одам савдоси жабрланувчиси эканлиги аниқланган бўлса ва унинг жинояти жабрланувчи эканлигига алоқадор бўлса, бундай жиноий иш ёки тергов иложи борича тезкор равишда тўхтатилаши керак. Жиноий иш ёки тергов бошлашни қонун талаб этган ҳолларда ва бу талабни ўзгартириш мумкин бўлмаса, прокурор (ёки унга тенглаштирилган шахс) жазоламаслик мажбуриятини бажариш учун ушбу жараёни иложи борича тезкор равишда тўхтатиши керак. Агар жиноий иш давом этса, суд асос борлиги сабабли мазкур шахснинг жавобгарликдан озод бўлиш ҳуқуқини таъминлаш имкониятига эга бўлиши керак.

[74] Ҳар бир ҳуқуқий тизимда ўзини ҳимоя қилиш, зўрланиш (ёки мажбурланиш) ёки зарурат каби сабаблар аниқланганда муқаррар равишда судланувчини жавобгарликдан озод этувчи турли ҳимоявоситалари мавжуд. Жавобгарликка тортиш мажбурий бўлган ҳуқуқий тизимда, прокурор ва ёки судья шундай асос борлигини аниқласа, жиноий иш суддан олдинги даврнинг илк палласида тўхтатилиши керак. Зўрлаш ва ноиложлик асоси аслида одам савдоси жабрланувчиларини сотилганликлари билан боғлиқ ёки унинг оқибатида содир этган жиноятлари учун жавобгарликдан озод қилиш учун қўлланилиши мумкин. Бироқ, бундай умумий қоидалар судлар томонидан тор талқин қилинади ва ҳозиргача одам савдоси ҳолатларида камдан-кам ишлатилган. Шунинг учун, МВ одам савдоси жабрланувчиларига ва унга алоқадор бошқа мажбурий меҳнат каби жиноятларининг жабрланувчиларига нисбатан қўлланиладиган муайян жазоламаслик шарти Европа кенгаши конвенциясига ва ЕИнинг 36/2011 Фармонида жавоб бериш мақсадида, миллий қонунчиликда назарда тутилган умумий ҳимоя асосларига зарар қилмаган ҳолда, миллий жиноят қонун ҳужжатларига киритилиши зарур, деган фикрини қўллаб-қувватлайди. Бундай муайян шарт, айниқса жавобгарликка тортиш мажбурий бўлган ҳуқуқий тизимлар учун

жиноий иш илк палласида тўхтатилишини ва жабрланувчи нафақат жазодан, балки судланиш ва қамоқда сақланишдан озод этилишини ёки камида жиноий иш ва, равшанки, қамоқда сақлаш тегишли асос борлиги аниқланиши билан тезкор равишда тўхтатилишини таъминлаш мақсадида зарурдир. Ҳар қандай ҳолатда асоснинг қўлланилиши бўйича қарор ваколатли суд ҳокимияти томонидан кечиктиришсиз қабул қилиниши керак.

[75] Айрим юрисдикцияларда прокурор муайян жиноят бўйича жиноий иш қўзғатиш ёки қўзғатмаслик борасида маълум даражада эркинликка эга. Жиноят содир этилганлик фактининг ўзи ҳар доим ҳам етарли эмас. Жиноий иш қўзғатишнинг ижтимоий манфаати мавжудлиги борасида қарор қабул қилиши керак, масалан гумон қилинувчи одам савдоси жабрланувчиси бўлса ва жиноят унинг сотилганлигига бевосита боғлиқ ёки унинг оқибатида содир этилган бўлса. Бундай тизимларда, зўрлаш ёки мажбурлаш тўғрисида далиллар бўлса, прокурор жиноий ишни далиллар асосида<sup>81</sup> тўхтатиш ҳуқуқига ҳам эга. Агар жиноий иш давом этса, суд жараёни тартибга риоя қилинмаганлик асосида<sup>82</sup> қолдириш, ёки жиноий ишни ИҲЕКнинг<sup>83</sup> 4 ва 6-моддаларини бузганлиги асосида қолдириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Агар бундай ҳолат юз бермаса, жиноий иш ва унинг натижасидаги айблов ноқонуний бўлиши мумкин.

[76] Сотилганлик факти фақатгина жавобгарликни ёки жазони юмшатувчи омил сифатида кўрилиши тўғри эмас. Жазони шунчаки юмшатилиши жазоламаслик тамойилига риоя қилиш ҳисобланмайди, чунки бу ҳолда жабрланувчини асл ҳолати ҳисобга олинмайди. Жабрланувчилар эркинликлари ва мустақил иродаларидан маҳрум этилган бўлиб, агар уларда савдогарларнинг назорати туфайли ушбу хатти-ҳаракатларни содир этишдан бошқа чора бўлмагани исбот қилинса, улар ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўла олмайдилар. Агар шахснинг сотилганлиги исботланса, унинг жиноий иши бекор қилиниб, сотилиш мобайнида ёки унинг натижасида содир этилган жиноятлари юзасидан муқаддам судланмаган бўлиши керак.

<sup>81</sup> Масалан, қаранг, Crown Prosecution Service (England and Wales), *Legal Guidance, Human Trafficking and Smuggling*, <[http://www.cps.gov.uk/legal/h\\_to\\_k/human\\_trafficking\\_and\\_smuggling/#a30](http://www.cps.gov.uk/legal/h_to_k/human_trafficking_and_smuggling/#a30)>, 2012 йил 20 июнь куни кўрилди.

<sup>82</sup> England and Wales Court of Appeals, *Case of LM, MB, DG, Betti Tabot and Yutunde Tijani –and- The Queen*, EWCA Crim 2327 (2010), para. 15; approved in England and Wales Court of Appeals, *Case of R v N, R v LE*, EWCA Crim 189(2012), para. 19.

<sup>83</sup> Бирлашган Қироллик Олий Судининг Compare Decision in *R. v. Waya* [2012] UKSC 51, мусодара буйруғи билан боғлиқ иши бўйича қарори билан таққосланг. Бунда суднинг жиноий жавобгарликка тортишни жараёни бузиш сифатида қолдириш ваколати инсон ҳуқуқларига ИҲЕКга биноан инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун лозим жараён эмаслиги ва ИҲЕКдаги ҳуқуқларни муҳофаза қилиш прокурорнинг жиноий жавобгарликка тортиш ё тортмаслик ихтиёри билан чекланмаслиги шарт, деб таъкидланди, қаранг *Waya*, at paras. 18, 19 and 24.



## Жиноятчиликка мажбурлаш учун одам савдоси (гиёҳванд моддаларни сотиш)

2006 ва 2008 йиллар орасида Бельгиянинг бир ҳудудида бир неча юз гиёҳванд моддалари савдогарлари ноқонуний яшаётганини полиция сезиб қолди. Улар чет элда ишлаш ваъдаси билан Марокашда ёлланган эдилар. Кўпчилиги гиёҳванд моддалар савдосида ишлашларини билган бўлсалар-да, баъзиларига Бельгияда қурилиш соҳасида қонуний иш ваъда қилинган эди. Ишчилар Испаниядаги Марокашлик гуруҳ орқали Бельгияга ноқонуний равишда олиб келинганлар. Мамлакатга кириб келишлари билан, жиний ташкилот ишчиларнинг ҳужжатларни олиб қўйган ва уларнинг сафарларига кетган харажатларни ва мамлакатда яшаш харажатларини қоплаш учун гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланишга (қурол билан куч ишлатиш таҳдиди орқали) мажбурлаган.

2008 йилда Шарлеруа жиний ишлар бўйича суди (Бельгия) шундай ишлардан бирини кўриб чиқди ва 15 кишини гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этишда айбдор деб топди. Ундан ташқари, жабрланувчилардан олинган далилларга асосан жиноятчилардан иккиси мажбурий жиноятчилик мақсадида оғирлаштирувчи ҳолат бўлган жабрланувчининг заифлик ҳолатидан фойдаланиш, таҳдид ва фирибгарлик ишлатиш йўли билан одам савдоси содир этганликда айбланганлар. Ишчилар жабрланувчилар сифати тан олиндилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлик қилдилар ва гиёҳванд моддалар сотишда айбланмадилар.

Бир неча ой ўтгач, худди шу суд шунга ўхшаш яна бир ишни кўриб чиқди. Мазкур жиний ташкилот Марокашлик ва Жазоирликларни Марокашда, Жазоирда ва Испанияда ёллаш билан шуғулланган. Ишчилар кейин Бельгияга олиб келинганлар. Жиноятчилар вақти-вақти билан ишчиларни жиний фаолият билан шуғулланишлари учун иш ўргатиш уюштирганлар. Жабрланувчилардан бири жиний ташкилотни фош қилганлиги, улар томонидан тазйиқ ва таҳдид кўрганига қарамай, жабрланувчи ёрдам кўрсатаётган ННТ билан ҳамкорликда шахсни жиноятчи эмас, жабрланувчи сифатида тан олинмишида прокурор қийинчиликка дуч келди. Жиноятчилар одам савдосида эмас, гиёҳванд моддалар сотишда айбландилар.

Манба: Centre for Equal Opportunities and Opposition to Racism, 2008 Annual Report on Trafficking in and Smuggling of Human Beings. Enlisting people and resources to combat the phenomenon (Brussels, 2009), [http://www.diversiteit.be/?action=publicaties\\_detail&id=108&thema=5&select\\_page=216](http://www.diversiteit.be/?action=publicaties_detail&id=108&thema=5&select_page=216), 2013 йил 10 апрель куні кўрилди, pp.24-25 and 60-61, relating to Judgment from the Criminal Court of Charleroi (Belgium), 3 June 2008, француз тилида: [http://www.diversiteit.be/index.php?action=rechtspraak\\_detail&id=590&select\\_page=68](http://www.diversiteit.be/index.php?action=rechtspraak_detail&id=590&select_page=68), 2013 йил 10 апрель куні кўрилди.

## Жазоламаслик тамойилининг бошқаларни сотишда иштирок этганликда гумон қилинган сотилган аёлга нисбатан қўлланилиши

Одам савдоси бўйича Нидерландиямиллий вакили бошқармаси одам савдоси жабрланувчиси сифатида тан олинган ва бошқаларни эксплуатациясида иштирок этганликда гумон қилинган А. га нисбатан жазоламаслик шартини қўлланилиши ҳақида хабар беради. Гага округ судида<sup>84</sup> кўрилаётган ишда прокурор жабрланувчиларни 26-моддага (Европа кенгашининг Конвенцияси) асосан жиний жавобгарликка тортмасликка қарор қилди, чунки: “- А. фоҳишалик билан ҳам шуғулланган ва даромадини гумон қилинувчига беради.  
- У бошқа аёлларнинг устидан назорат қилган, лекин уларни мажбурламаган.  
- Бошқа аёллар уни гумон қилинувчи эмас жабрланувчи, деб ҳисоблардилар.  
- У гумон қилинувчининг таъсири остида бўлган чунки у А. билан келажакда бирга бўлишини ваъда қилган ва А. уни ҳамон севган.  
- У гумон қилинувчи томонидан зўрланишининг ёки таҳдид қилинишининг олдини олиш учун бошқа аёлларни назорат қилган. У гумон қилинувчидан кўрққан.”

Манба: Dutch National Rapporteur on Trafficking in Human Beings, Trafficking in human beings – Ten years of independent monitoring, Eighth Report of the Dutch National Rapporteur (2010), p. 82.

[77] МВ жазоламаслик мажбурияти жиний жавобгарликка тортиш натижасида тайинланган жазо билан чекланмайди, деган фикрини қўллаб-қувватлайди. Шахс сотилганлиги ва шу сабабли мустақил равишда ҳаракат қила олмаслиги ҳолатида жазо тайинламай-жиний жавобгарликка тортиш ҳам жазолаш ҳисобланади. Судланганликнинг ўзи жазо ҳисобланади ва жабрланувчилар учун келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки судланганлиги тўғрисида уларнинг баъзи фаолиятлари чегараланиши мумкин, жумладан, ҳаракатланиш эркинлиги (масалан, бошқа мамлакатга бориш тақиқланиши) ёки меҳнат фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишларини чеклашлари мумкин.

[78] Шунинг учун жазоламаслик тамойилини тўлиқ ва самарали татбиқ этиш учун аниқ ва муайян қонунчилик ва сиёсатга оид кўрсатмалар зарур. Мамлакатнинг институционал ва ҳуқуқий тизимига қараб, парламент, Адлия вазирлиги ва ёки прокуратура кўрсатмаларни ишлаб чиқишда, жумладан жазоламаслик тамойилини қўлланилиши мезонларини аниқлашда етакчилик

<sup>84</sup> The Hague District Court, 18 December 2009, LJN: BK8237, ҳавола: Dutch National Rapporteur on Trafficking in Human Beings, Trafficking in human beings - Ten years of independent monitoring, Eighth Report of the Dutch National Rapporteur (2010), p. 82да келтирилган.

қилиши мумкин.<sup>85</sup> Бундай қонунчилик ва ёки кўрсатмалар одам савдоси жабрланувчиларининг оғир жиноят жабрланувчилари сифатида ҳимоясини устунлигини таъминлаши ниҳоятда муҳимдир.

[79] Сиёсат ва қонунчиликка оид кўрсатмалар одам савдоси жабрланувчилари яшаш ёки ишлаш рухсатномаларини олиш пайтида кўпроқ жазоланмасликларини таъминлаш учун ҳам муҳимдир. Бундай кўрсатмалар одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ва одам савдосини тергов қилиш иммиграция назорати мулоҳазаларидан устунлигини таъминлаш учун иммиграция идораларига қаратилган бўлиши алоҳидааҳамиятга эгадир. Одам савдосига алоқадор жинояти учун судланган ёки муқаддам ноқонуний мигрант, деб нотўғри аниқланиб мамлакатдан бадарға қилиниш буйруғини олган жабрланувчига доимий ёки вақтинчалик яшаш рухсатномасини бериш ҳақида қарор чиқаришда ҳокимиятидоралари ишнинг шароитларини тўла инobatга олишлари керак. Аниқроқ айтганда, жабрланувчи сотилганлиги ҳолати туфайли қонунбузарлик содир этишга мажбур бўлгани учун, иммиграция хизмати шундай ҳолатлар мамлакатда қолиш рухсатини рад этиш ёки шахсни номақбул ажнабий деб эълон қилинишига сабаб бўлмаслигини таъминлаши керак.

[80] Ишлаб чиқилгандан сўнг, жазоламаслик тамойилини татбиқ этиш бўйича сиёсат ва қонунчиликка оид кўрсатмалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, иммиграция хизмати, прокуратура ва суд органлари, ҳамда жабрланувчиларнинг ҳимоячилари ва ННТ маслаҳатчилари орасида ўқув машғулотлари ўтқазилган билан бирга кенг тарқатилиши керак. Ўқув машғулотлар ва курсатмалар одам савдосига ихтисослашмаган ва одам савдоси жабрланувчилари мажбурият остида содир этган ўғрилиқ ёки гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар билан шуғулланиши мумкин бўлган прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига етиб бориши алоҳидааҳамият касб этади.

## 9. Хулоса

[81] Одам савдоси жабрланувчилари оғир жиноят ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши қурбонларидир. Халқаро ҳуқуққа асосан, Давлатлар одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини, жумладан сотилганнинг вояга етган шахс ёки бола сифатида тўғри тан олиниш ҳуқуқини таъминлаш мажбуриятига эгадирлар, зеро шундай тан олиниш уларнинг ҳимояси учун имкон яратади. Жазоламаслик бу нафақат одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқларини, жумладан қамоққа олинишдан ва адолатсиз жараёндан озод бўлиш, жабрланган ҳолатини янада ёмонланишидан ва қайта шикаст кўришдан ҳимоя қилинишини, ва тикланиш пайтида хавфсизлик ва ёрдам таклиф этилиш ҳуқуқини ҳурмат ва ҳимоя қилувчи тамойилдир, балким бу ҳуқуқий тамойилга нисбатан ҳурмат шунингдек Давлатнинг Инсон ҳуқуқлари Европа судининг Рандев ишидаги қарорига мувофиқ сотилган шахсларга нисбатан мажбуриятини бажарилишига ёрдам беради. Ушбу қарорда Инсон ҳуқуқлари Европа суди, одам савдоси Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Европа конвенциясининг 4-моддасининг ажралмас ҳуқуқлар ҳимояси кўламига киради деб, ва шароитлар бирон бир шахс сотилганлиги ҳақида ишончли шубҳа туғдирса ёки туғдириши керак бўлса Давлатнинг одам савдосини тергов қилиш мажбурияти пайдо бўлади деб аниқлади. Бундай ҳолатларда, савдогар тергов қилинмаса ва жабрланувчини жиноий жавобгарликка тортиш давом этса, бу мазкур шахснинг инсон ҳуқуқларини ҳамда Давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва ЕИ қонунларидан келиб чиқувчи мажбуриятларини ўта жиддий бузилишига олиб келади.

[82] Одам савдоси жабрланувчилари оғир жиноятнинг ҳам гувоҳларидир. Жазоламаслик шартини тўғри, тенг ва адолатли қўлланилган тақдирда, Давлатга одам савдоси жабрланувчиларининг кадр-қиммати ва хавфсизлигига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда судлов даражасини оширишга имконият беради; зеро бу жабрланувчилар сотилмаган бўлганларида жиноят содир этмаган бўлардилар.

<sup>85</sup> Қаранг, масалан, Crown Prosecution Service (England and Wales), *Legal Guidance, Human Trafficking and Smuggling*, <[http://www.cps.gov.uk/legal/h\\_to\\_k/human\\_trafficking\\_and\\_smuggling/#a30](http://www.cps.gov.uk/legal/h_to_k/human_trafficking_and_smuggling/#a30)>, 2012 йил 20 июнь куни кўрилди. Шунингдек, Бельгия Адлия вазирлиги берган прокурорларни сотилган шахсларни, ҳатто улар иммиграция ёки меҳнат тартибга солувчи нормаларни бузган бўлсалар ҳам, аввало жиддий жиноят жабрланувчилари сифати кўришга рағбатланган курсатмаси 'Policy on investigation and prosecution of human trafficking', Ministry of Justice directive, Letter no. COL 10/2004, 2004 йил 1 май куни кучга кирган 2004, кўринг.

## 10. Жазоламасликка оид қонун чиқарувчиларга ва прокурорларга тавсиялар

1. Одам савдоси жабрланувчиларини ҳимоя қилиш барча Давлатларнинг энг муҳим мақсади ва мажбуриятидир.

2. Одам савдоси жабрланувчиларини (сотилганликлари оқибатида ёки у билан бевосита боғлиқ жиноятлари учун) жазолаш адолатни жиддий рад этилишидир. Давлатлар сотилган шахслар ўзларини сотилганликлари оқибатида ёки мобайнида содир этган жиноятлар учун жазо тайинламаслик мажбуриятига эгадирлар.

3. Халқаро ҳуқуққа асосланган одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик мажбуриятини Давлатлар ўз жиноий адлия тизимларига ва амалиётга самарали татбиқ этишлари зарур.

4. Давлатлар ўзларининг жиноий адлия борасидаги қонун-қоидалари ва амалиётида инсон ҳуқуқлари ва жабрланувчи манфаатларини кўзловчи ёндашувни қабул қилиши керак. Давлатлар полиция, прокуратура ва судьяларни одам савдоси жабрланувчиларини оғир жиноят ва инсон ҳуқуқлари бузилиши жабрланувчилари сифатида кўришларига рағбатлантиришлари лозим, мазкур жиноятлар эса биринчи эътиборга лойиқ жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳисобладади.

5. Одам савдоси жабрланувчилари сотилганликлари мобайнида ёки унинг оқибатида содир этган қоидабузарликлари учун жазоланмасликлари учун Давлатлар уларни тезкор аниқлаш механизмларни жорий этишлари лозим. Ушбу механизмлар гумон қилинувчи ҳақиқатан ҳам жабрланувчи эканлигини аниқлашда ёрдам берувчи исботлашнинг объектив унсурларини тезкор йиғилишини назарда тутиши керак.

6. Жабрланувчиларни эрта аниқлаш жуда муҳим ва сотилган шахслар билан мулоқотда бўлиши мумкин бўлган Давлат хизматчилари, масалан полиция ходимлари, чегарачилар, меҳнат вазирлиги инспекторлари, тиббий ходимлар ҳамда ноқонуний мигрантлар сақланадиган қамоқлар ходимлари жабрланувчиларни аниқлашга ўқитилганлигини Давлатлар таъминлаши керак.

7. Одам савдоси жабрланувчилари ўзларини эҳтиёжлари ва ҳуқуқларига асосан муҳим ёрдам олишларини таъминлаш мақсадида самарали аниқлаш тизими ташкил қилиниши лозим. Бу борада, Давлат хизматчилари ва ННТлар орасида кўп тармоқли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш керак, ва ННТларнинг жабрланувчиларни аниқлашга қўшган ҳиссасини ва ёрдамни расман эътироф этиш учун миллий йўлланма механизми таъсис этилиши керак.

8. Жабрланувчиларнинг жазоланмаслик ҳуқуқи уларнинг савдогарларига қарши жиноий иш кўзғатилиши ва улар қурбони бўлган одам савдоси жиноятини тергов қилиниши ҳуқуқи билан боғлиқдир. Жиноий ишдаги гумон қилинувчининг шароитлари у одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкинлиги ҳақида асосли шубҳа уйғотган пайдан бошлаб, Давлатларнинг ушбу ҳолатни чуқурроқ ўрганиш мажбурияти туғилади, ва гумон қилинувчи одам савдоси жабрланувчиси эканлиги асос борлиги аниқлангандан кейин, мазкур шахсга жабрланувчи ва оғир жиноят гувоҳи сифатида қаралиш керак, ва унинг сотилиши натижасида ёки у билан боғлиқ бўлган жиноятлари учун унга нисбатан кўзғатилган ҳар қандай жиноий иш иложи борича тезроқ тўхтатилиши керак.

9. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда гумон қилувчи ҳуқуқбузар одам савдоси жабрланувчиси бўлиши мумкинлигида шубҳа уйғонгандан бошлаб, улар дарҳол шундай шубҳани ва унга алоқадор шароитларни расмий жиноят тергови ҳужжатларига кириштишлари керак, ва гумон қилувчи ҳуқуқбузарнинг жабрланувчи бўлиши эҳтимолига тегишли далил йиғишлари керак.

10. Шахснинг жабрланувчи мақомини аниқлаш тартиби давомий бўлиб, депортация бўйича барча қарорлар ижроси қолдирилиши ва халқаро стандартларга мувофиқ шахсга дарҳол ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам кўрсатилиши керак деган фикрни қўллаб-қувватлайди. Ундан ташқари, прокурор ёки судья ўз ташаббуслари билан жабрланувчини аниқлаш жараёнининг натижасини ҳисобга олиш мақсадида шартли равишда жараёни тўхтатишлари (ёки тўхтатиш эҳтимолини ўйлаб кўришлари) керак.

11. Одам савдосининг бола жабрланувчилари айниқса заифдир. Улар тезкор равишда сотилган болалар деб аниқланиши керак ва уларнинг олий манфаати ҳамма вақт биринчи даражада бўлиши керак. Одам савдосининг бола жабрланувчиларига керакли ёрдам ва ҳимоя таъминланиши керак. Уларнинг алоҳида заифликлари, ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари тўла инobatга олиниши керак.

12. Агар ноқонуний фаолиятда қатнашган жабрланувчининг ёши аниқ бўлмаса, ва жабрланувчи бола эканлигига ишониш учун асос бўлса, у бола деб ҳисобланиши керак ва унга шунга яраша муносабат кўрсатилиши керак.

13. Агар болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этиши уларнинг сотилишига алоқадор ёки унинг оқибати бўлса, бола жабрланувчилар ҳар қандай таъқиб ва айблашдан озод бўлишлари лозим. Ҳуқуқбузарликнинг бола савдоси ҳодисасига алоқадорлиги борасида шубҳамавжуд бўлган ҳолларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мансабдор шахслари ва прокурорлар боланинг омонлигини таъминловчи, болага зиён етишининг олдини олувчи ва боланинг олий манфаатига хизмат қилувчи ҳаракатларни, ишнинг шароитлари инobatга олган ҳолда, устун қўйишлари керак.

14. Боланинг одам савдоси шароитида ноқонуний фаолиятга рози бўлиши, мазкур боланинг жабрланувчи мақомини инкор қилолмайди. Тергов давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари болани эксплуатация қилинишга розилиги ҳақида сўроқ қилмасликлари лозим. Тергов давомида йиғилган маълумот ҳар қандай ҳолатда боланинг жиноий жавобгарлигини судда ёки унинг иши кўрилатганда исботлаш мақсадида болага қарши ишлатилиши мумкин эмас.

15. Одам савдосининг бола жабрланувчилари полиция камераларига ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан боғлиқ қамаш жойларида ушланишлари мумкин эмас.

16. Давлатлар одам савдоси жабрланувчилари ҳуқуқларининг амалий ва самарали ҳимоясини таъминлаш учун етарли қонунчилик актларини қабул қилишлари лозим. Ушбу мажбуриятга шахслар сотилганлик вазиятларига алоқадор ёки унинг оқибатида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун қамоқда ушланмаслиги, таъқиб қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги киради. Жазоламаслик шarti - бу ҳуқуқдир ва унинг мақсади - сотилган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва манфаатини таъминлашдир: бинобирин у қонунда акс эттирилиши керак.

17. Давлатлар одатда одам савдосига алоқадор бўлган жиноятлар ва уларни одам савдоси жабрланувчилари содир этганларида жазоламаслик мажбурияти туфайли жазо ёки жарима тайинланишига олиб келмайдиган, очиқ қолдирилган жиноятлар рўйхатини қабул қилишга ҳаракат қилишлари керак. Шунини аниқ таъкидлаш керакки, бундай рўйхат истисно қилувчи эмас ва жазоламаслик мажбурияти жиноятнинг одам савдосига алоқаси аниқланган ҳар қандай турларига тегишлидир. Бундай рўйхат прокурорлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари орасида кенг тарқатилиши лозим, ва ОСни тергов қилувчи идораларга тарқатилиш билан чекланмаслиги керак. Бундай кўрсатмалар шунингдек жабрланувчиларнинг ҳимоячилари, беғараз адвокатлар ва ННТлар орасида ҳам тарқатилиши керак. Улар ўқув машғулоти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қўлланмаларига киритилиши керак.

18. Халқаро ҳуқуққа асосланган одам савдоси жабрланувчиларини жазоламаслик мажбурияти ҳам халқаро, ҳам ички одам савдоси ҳолатларига тааллуқлидир.

19. Айрим Давлатлар одам савдоси жиноятининг маълум таркибий қисмларини, хусусан мажбурий меҳнатни ноқонуний, деб тан олганлар, холос. Буни ҳисобга олиб, жазоламаслик мажбуриятининг қўлланишини мажбурий меҳнатжабрланувчилари шундай ҳолатлари туфайли жиноят содир этишга мажбур бўлган ҳолларга ҳам тааллуқли қилиш мумкин.

20. Жазоламаслик мажбурияти жиноий жавобгарликка тортиш натижасида тайинланадиган жазо билан чекланмаган.

21. Жазоламаслик шартини қўллаш қўлаи сотилган шахсларни судловдан озод қилиш билан чегараланмаган. Жазо тайинланмаган судлов ҳам, агар жабрланувчининг судланганлиги қолса, жазо ҳисобланиши мумкин. Жазолашга баробар бошқа чоралар ҳам тақиқланади. Бундай чораларга, одам савдоси жабрланувчиларини ёпиқ бошпаналарда ёки маъмурий қамоқда мажбурий равишда ушлаш киради, лекин улар билан чекланмайди.

22. Жиноят маълум шахс томонидан сотилиш мобайнида ёки унинг оқибатида содир этилганлиги тан олинган ҳолда, Давлат одам савдоси жабрланувчиси мазкур жиноятни содир этганлиги натижасида судланганлиги қолмаслигини таъминлаш учун чоралар кўриши керак.

23. Давлатлар жазоламасликтамоийилини тўлиқ ва самарали имплементация этилишини таъминлашлари шарт. Давлат сотилган шахс томонидан содир этилган жиноят ҳақиқатан одам савдосига боғлиқ эканлигини баҳолаши шарт. Агарда жиноят боғлиқ бўлмаса, сотилган шахс, ҳамма қатори жазоланишга лойиқ бўлиши мумкин. Бироқ боғлиқлик мавжуд бўлса, жазоламаслик шarti қўлланилиши керак. Жиноят сотилган шахснинг мақомига мутлақо боғлиқ бўлмаган ва жиноий иш давом эттирилиши тақозо қилувчи ҳолатлар бундан мустаснодир.

24. Жиноий таъқиб мажбурий бўлмаган тизимли Давлатларда шундай боғлиқлик мавжуд бўлса, ваолатли идоралар тегишли жиноий иш кўзғатмасликлари керак. Агар боғлиқлик жиноий иш кўзғатилганидан кейин аниқланган бўлса, сотилган жабрланувчига қарши иш тўхтатилиши керак. Агар одам савдоси ва жиноятнинг орасида аниқ боғлиқлик бўлмаса, иш ҳар қандай бошқа иш сингари давом этиши ёки тўхтатилиши мумкин. Аксинча, жиноий иш кўзғатилган ва тўхтатилмаган бўлса, суд тартибни бузилганлиги асосида жиноий ишни тўхтатиш ҳуқуқини қолдириши мумкин. Бироқ, агарда шахснинг сотилганлик мақоми ва жиноят содир этиши орасида боғлиқлик бўлишига қарамай, прокурор ва суд жиноий ишни тўхтатмаса, бундай жиноий иш ноқонуний бўлиши мумкин.

25. Жавобгарликка тортиш мажбурий бўлган ҳуқуқий тизимларда Давлатлар жабрланувчиларнинг жазоланмасликларини ёки жиноий ишнинг илк палласида тўхтатилиши таъминлаш мақсадида ўзларининг қонунларига жазоламаслик тамойилини акс эттирган ўзгартишлар киритиши керак. Бундай ҳолда, прокурор ва/ёки судья судланувчини жавобгарликдан озод этувчи асос борлигини тан олса, жиноий иш суддан олдинги даврнинг илк палласида кечиктирилмай тўхтатилиши керак. Агарда жиноий иш давом этса ва шахснинг жавобгарликдан озод этувчи асос суд жараёни мобайнида аниқланса, суд жавобгарлик йўқлиги ҳақидаги қарорини кучда қолдириш имкониятига эга бўлиши зарур.



26. Жазоланмаслик ҳуқуқи апелляция шикоятни беришни ҳам таъминланиши керак. Жабрланувчининг сотилганлигини ва жиноят унинг сотилганлиги мобайнида ёки унинг оқибатида содир этилганлигини тасдиқловчи янги далиллар миллий қонунчиликдаги исботлаш тартиби ва қоидаларига мувофиқ апелляция жараёнида қабул қилиниши керак.

27. Одам савдосига алоқадор жиноятларни содир этишда гумон қилинган ёки айбланган одам савдоси жабрланувчиларининг шундай мақомлари учун рухсат этилган мамлакатда яшаш ҳуқуқи ёки, тегишли пайтда, меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас. Одам савдоси жабрланувчисини одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда айблангани мамлакатда яшаш рухсатномасини бериш ёки узайтиришни рад этишга ёки шахсни номақбул ажнабий деб эълон қилинишига сабаб бўлмаслиги керак.

28. Давлатлар ўзларининг суд ўқув муассасаларини прокурорлар ва судьялар учун одам савдосига оид мунтазам ўқув машғулоти ташкил қилишга чақиришлари керак. Бундай машғулоти уларни одам савдосига оид, яъни: ҳозирги кун қўлчилигининг замонавий хусусиятлари; жабрланувчининг ҳуқуқбузарлик содир этишга ундайдиган савдогарларнинг назорат усуллари ва шароитлари; ва одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жазоламаслик мажбурияти каби масалалар билан таништиради.

29. Давлатлар Миллий вакилларнинг ёки ўхшаш механизмларнинг одам савдоси жабрланувчиларига, аynиқса аёллар ва болаларга нисбатан жазоламаслик тамойилининг амалий татбиқ этилишини мунтазам равишда кўриб чақишларини қўллаб-қувватлаши керак.



## Annual Reports:

- 2012: Combating Trafficking as Modern-day Slavery: Non-Discrimination and Empowerment
- 2011: An Agenda for Prevention: Trafficking for Labour Exploitation
- 2010: Combating Trafficking as Modern-day Slavery: A Matter of Rights, Freedoms and Security
- 2009: An Agenda for Change: Implementing the Platform for Action against Human Trafficking
- 2008: Efforts to Combat Trafficking in Human Beings in the OSCE Area: Co-ordination and Reporting Mechanisms
- 2007: A Platform for Action



## Occasional Paper Series:

- 2013: Trafficking in Human Beings for the Purpose of Organ Removal in the OSCE Region
- 2013: Trafficking in Human Beings amounting to Torture and other Forms of Ill-treatment
- 2010: Unprotected Work, Invisible Exploitation: Trafficking for the Purpose of Domestic Servitude (EN /RU/FR)
- 2009: A Summary of Challenges on Addressing Human Trafficking for Labour Exploitation in the Agricultural Sector in the OSCE Region
- 2008: Human Trafficking for Labour Exploitation/Forced and Bonded Labour
- 2007: A Summary of Challenges Facing Legal Responses to Human Trafficking for Labour Exploitation in the OSCE Region



## Other Publications:

- 2013: Policy and legislative recommendations towards the effective implementation of the non-punishment provision with regard to victims of trafficking
- 2010: Analysing the Business Model of Trafficking in Human Beings to Better Prevent the Crime, OSR / UN.GIFT (EN /RU)
- 2009: Guide on Gender-Sensitive Labour Migration Policies, Gender Section / OCEEA / OS R
- 2008: Compensation for Trafficked and Exploited Persons in the OSCE Region, ODIHR

All publications are available online at <http://www.osce.org/cthb>





Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти  
57 давлатда умуминсоний қадриятлар борасидаги  
сиёсий мулоқот ва бардавом такомиллашувга  
олиб борадиган амалий иш орқали барқарорлик,  
форовонлик ва демократия манфаатида фаолият  
олиб боради.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича  
махсус вакил ва координатор бюроси

Wallnerstr. 6, 1010 Vienna, Austria  
Tel: + 43 1 51436 6664  
Fax: + 43 1 51436 6299  
email: [info-cthb@osce.org](mailto:info-cthb@osce.org)



Yevropada xavfsizlik  
va hamkorlik tashkiloti